БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ(большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАРКОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 179 (6006)
7 СЕНТЯБРЬ 1946 йил
ШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиумида (1-нчи бет).

Ўртоқ В. М. Молотов Парижга келди (1-нчи бет).

Тошкентда танкчилар кунини байрам қилиш (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИ: — 1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар. 31 август ва 2 сентябрьдаги мажлислар кундалиги (1-нчи ва 2-нчи бетлар).

Совет хотин-қизлари делегациясининг Австралияга бормай қолганлиги тўғрисида (3-нчи бет).

А. Олимжон. — Уқишнинг дастлабки кунида (3-нчи бет).

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД: — Жиноий ташкилотлар тўғрисидаги масала юзасидан СССР бош қораловчиси ўртоқ Р. А. Руденконинг охирги сўзи (3-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида (4-нчи бет).

Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар соҳасидаги энг муҳим вазифаларимиз

Большевиклар партияси миллионларча меҳнаткашлар оммаси блан мустаҳкам алоқада бўлганлиги блан кучлидир. Совет халқи Ленин-Сталин партиясини ўзининг йўлбошчиси ва раҳбари деб билади. Меҳнаткашлар оммаси партиямизни ўзининг партияси, ўзига энг яқин ва жонажон партия деб билади. Шунинг учун совет халқи ўз тақдирини большевиклар партияси блан маҳкам боғлаган, унга зўр ишонч блан қарайди, партиямизни ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси деб ҳисоблайди.

Шу сабабдан Улуғ Ватан уруши кунларида ҳам, халқимиз тинч ижодий қурилиш ишларини амалга ошираётган ҳозирги кунларда ҳам Ленин-Сталин партияси қаторларига минглаб совет кишилари кирди ва кирмоқдалар, улар ўз тақдирларини большевиклар партиясининг тақдири блан маҳкам боғламоқдалар.

ВКП(б) Марказий Комитети «Партия сафининг ўсиши ва ВКП(б) га янги кирган кишилар ўртасида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш чоралари тўғрисида» шу йил 26 июльда махсус қарор қабул қилди. Бу қарор партия ташкилотларимизнинг сўнгги йилларда партия сафига янги а'зо ва кандидатлар қабул қилиш соҳасида қилган ишларига якун ясади ва бу соҳада олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг бу қарори партия қаторларини ўстириш соҳасида эришган ютуқларимизни қайд қилиш блан бирга, партияга қабул қилиш соҳасида партия ташкилотларимиз йўл қўйган хато ва камчиликларини очиб ташлади, ташкилий ва тарбиявий ишларни кучайтириш соҳасида олдимизда турган жиддий вазифаларни кўрсатиб берди.

Шунинг учун ҳам яқинда бўлиб ўтган ЎзК(б)П Марказий Комитетининг XIV пленуми ВКП(б) Марказий Комитетининг 26 июльда чиқарган қарори муносабати блан Ўзбекистон партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пленуми қайд қилиб ўтдики, бутун партиямиз блан бирликда унинг отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам Ватан уруши кунларида ўсди ва мустаҳкамланди. Ўтган беш йил ичида, я'ни 1941 йил 1 июльдан 1946 йил 1 июльгача республикамиз партия ташкилотининг қаторлари 54,5 процент ўсди. Партия ташкилотлари Ватан уруши кунларида фронтда ва мамлакат ичкарисида қаҳрамонлик кўрсатган энг яхши кишилар ҳисобига ўсди.

Пленум партия ташкилотларининг партия сафини ўстириш соҳасида қилган ижобий ишларини қайд қилиш блан бир қаторда, ЎзК(б)П Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетларининг партия сафини ўстириш соҳасидаги жиддий хатоларини ҳам кўрсатди. Бу хато ва камчиликлар, биринчидан, партияга кириш учун ариза берган кишиларни ёппасига қабул қилиш, партияга қабул қилиш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйиб якка-якка тартибда текшириб қабул қилиш принципига риоя қилмаслик, иккинчидан, шаҳар ва район партия комитетлари партияга кирувчиларнинг аризаларини кўришни чўзиб юборишлари, натижада 20—30 аризани расмиятчилик йўли блан бир мажлисда кўриб қабул қилишлари ва шунга ўхшаш хатолардир. ВКП(б) га қабул қилишдаги бундай мас'улиятсизлик партия қаторларига номуносиб кишиларнинг кириб қолишига сабаб бўлди.

Шу блан бир қаторда Ўзбекистондаги партия ташкилотлари йирик саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва интеллигенциянинг энг яхши вакилларини партия сафларига қабул қилишга етарли э'тибор бермайдилар. Қишлоқ партия ташкилотлари эса тракторчилар, комбайнчилар, юқори ҳосил усталарини ва қишлоқ интеллигенциясини партия сафларига қабул қилишга ва улар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришга зўр э'тибор қилмаётирлар.

Пленум партия қаторларини ўстириш соҳасидаги бу хатоларни кўрсатиб ўтиши блан бир қаторда, айниқса партияга янги қабул қилинганлар орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг, ички партиявий ишларнинг ғоят қониқарсиз олиб борилаётганлигини алоҳида уқдириб ўтди. Кўп партия ташкилотлари, айниқса қишлоқ партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан ғоят бўш, бу ташкилотларда ғоявий, сиёсий-тарбиявий ишлар ниҳоят даражада ёмон олиб борилмоқда.

Коммунистларни тарбиялаш, улар орасида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш соҳасидаги асосий камчиликлардан бири кўп партия ташкилотларида большевистик танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлигидир. Пленум шуни қайд қилдики, ВКП(б) Марказий Комитетининг танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш ҳақида кўрсатмаси Ўзбекистондаги партия ташкилотларида қониқарсиз бажарилмоқда, Ўзбекистондаги партия ташкилотларида ўз-ўзини танқид ишимизнинг асосий услубига айланган эмас. Шунинг орқасида кўп партия ташкилотларида хотиржамлик ва беғамлик кайфиятлари, оилачилик ва принципсизлик элементлари ҳукм сурмоқда. Айрим партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари хўжалик ташкилотлари блан иноқлашиб кетиб, улардан турли-туман мукофотлар оладилар, ба'зан уларга қарам бўлиб қоладилар, натижада ба'зи партия ходимлари ўзларининг партия аппарати ходими эканликларини унутадилар ва партия ташкилотларининг обрўйига путур етказадилар. Пленум барча партия ташкилотларидан ва партия ходимларидан партия раҳбарлигини амалга ошириш учун энг зарурий шарт бўлган большевистик принципиалликни, мустақил бўлишни ва ҳар бир ишда аввало давлат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишни талаб қилди.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пленуми мафкура соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг, партияга янги қабул қилинаётган кишилар орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг ёмон қўйилганлигини Ўзбекистон партия ташкилотларининг жиддий хатоси деб қайд қилди. Кишилар онгидаги капитализм қолдиқлари блан курашни, меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш ғоят бўш олиб борилмоқда. Коммунистик тарбиянинг энг муҳим воситалари бўлган матбуот, бадиий адабиёт, фан, сан'ат, кино ва радиодан ёмон фойдаланилмоқда. Бунинг устига бу соҳада жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда.

Ба'зи ёзувчиларнинг асарларидаги ва театр постановкаларидаги маслаксизлик, ғоявий жиҳатдан суюқ фикрлар қаттиқ зарбага учрамаётир, замонамиз мавзу'ларида жиддий асарлар ёзмаслик, халқимизни коммунистик руҳда тарбиялайдиган мазмунлор асарлар яратмаслик ҳолларига бепарволик блан қаралмоқда.

Мафкуравий ва тарбиявий ишларимиздаги бу хато ва камчиликлар кадрларимизнинг марксизм-ленинизм та'лимоти блан қуролланмаганликлари, партия раҳбар ходимларининг ўз ғоявий-назарий савияларини ошириш устида ишламаётганликлари, ВКП(б) тарихи қисқа курсини ва марксизм-ленинизм классикларининг асарларини қунт блан ўрганмаётганликлари орқасида содир бўлмоқда.

Пленум партия ташкилотлари ишидаги бу жиддий хатоларни қайд қилиб, ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 26 июльдаги қарорини амалга ошириш соҳасида бирқанча амалий тадбирлар белгилади.

Пленум республикамиздаги барча партия ташкилотларига уқдириб ўтдики, партия ташкилотлари партияга қабул қилиш ва коммунистларни тарбиялаш соҳасида йўл қўйилган хатоларни битириш йўлида амалий тадбирлар кўришлари, партияга ёппасига қабул қилиш ҳолларига барҳам беришлари, партияга қабул қилишда алоҳида-алоҳида равишда текшириб қабул қилиш принципига алоҳида э'тибор қилишлари лозим. Партия ташкилотлари ўртоқ Сталиннинг «партия а'зоси деган улуғ номни юксак тутиш ва покиза сақлаш керак» деган кўрсатмасини ҳеч унутмасликлари керак.

Партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтиришнинг энг муҳим воситаси бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг коммунистларни тарбиялашдаги ролини оширишдир. Пленум шуни алоҳида қайд қилдики, бошланғич партия ташкилотларининг ишини тубдан яхшиламасдан, барча коммунистларни ижтимоий-сиёсий ишларга актив жалб қилмасдан туриб ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириб бўлмайди.

Пленум партия ташкилотларимизнинг ишидаги камчиликларни йўқотишнинг энг муҳим воситаси танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришнинг зарурлигини қайд қилди. Партия ташкилотлари партия а'зо ва кандидатларини принципиал бўлиш, мурасасиз бўлиш руҳида тарбиялашлари лозим.

Пленум кадрларимизнинг марксизм-ленинизмни ўрганиш, ўз ғоявий-назарий савияларини ошириш соҳасида тинмай ишлашлари зарурлигини уқдириш блан бир қаторда, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган бирқанча амалий чораларни белгилади. Пленум шуни қайд қилдики, партия а'зо ва кандидатларини марксизм-ленинизм ғоялари блан қуроллантириш мафкуравий соҳада йўл қўйган хато ва камчиликларни тугатишга катта ёрдам беради. Пленум айниқса пропаганда-агитациямизнинг энг муҳим воситаси бўлган газета, журналлар, бадиий адабиёт, кино ва театрларнинг ишига алоҳида э'тибор қилишни талаб этди.

ЎзК(б)П Марказий Комитети пленумининг ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 26 июльда чиқарган қарори муносабати блан Ўзбекистондаги партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб берган қарорлари ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу қарорлар республикамиз партия ташкилотларида партиявий ташкилий-сиёсий ишларни юксак босқичга кўтаришда ҳамда мафкуравий ғоявий соҳада йўл қўйилган хатоларни тугатишда катта роль ўйнайди. Пленум қарорлари область, шаҳар, район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кенг муҳокама қилиниши ҳамда ишимиздаги хато ва камчиликлар қаттиқ танқид ва ўз-ўзини танқид асосида тузатилиши лозим.

Республикамиздаги партия ташкилотлари шуни қаттиқ эсда тутишлари зарурки, «партия ташкилотлари ўз қаторларини ҳартарафлама мустаҳкамлашни та'мин этолмасалар, интизом ва ишда оперативчиликни янада юксакроқ босқичга кўтаролмасалар, барча партия а'зо ва кандидатларини партиявий ишларга ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга актив жалб қилолмасалар ҳамда коммунистларни марксизм-ленинизм руҳида ғоявий жиҳатдан чиниқтира олмасалар, ўз олдиларида турган янги вазифаларни муваффақият блан бажаролмайдилар».

ЎзК(б)П Марказий Комитети XIV пленумининг қарорлари республика партия ташкилотлари учун иш программасидир. Бу қарорларни амалга ошириш республикамиз партия ташкилотларида партиявий сиёсий ишларни юксак даражага кўтаради ва улуғ Сталин томонидан олдимизга қўйилган зўр сиёсий-хўжалик вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Советининг Президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг иккинчи сессиясини чақириш муддатини 1946 йил 20 сентябрьдан 15 октябрьга кўчириш тўғрисида қарор қилди.

ТОШКЕНТДА ТАНКЧИЛАР КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ

Тошкентда танкчилар куни катта тантана блан байрам қилинади. 7 сентябрь кеч соат 8 яримда Округ офицерлар уйида тантанали мажлис ўтказилади. Мажлисда танк қўшинлари генерал-майори ўртоқ Масаригин танкчилар Куни ҳақида доклад қилади. Сўнгра катта концерт берилади.

Қизил майдонда танкларнинг кўргазмаси очилади. Кўргазмада Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган барча танкларнинг нусхалари қўйилади.

8 сентябрь кеч соат 5 дан 8 гача отчопарда округ танкчиларининг физкультура мусобақаси ва мотопойгаси ўтказилади. Отчопарнинг жиҳозланган махсус майдонида танкчилар «душман»нинг қаршилик кўрсатувчи истиҳкомларига танклар блан «ҳужум» қилишни кўрсатадилар.

Шу куни кечқурун шаҳарнинг барча паркларида ва Қизил майдонда оммавий сайил ўтказилади. Шаҳар меҳнаткашларининг машҳур танкчи-қаҳрамонлар блан учрашувлари бўлади.

ЎРТОҚ В. М. МОЛОТОВ ПАРИЖГА КЕЛДИ

Париж Сулҳ конференциясидаги совет делегациясининг бошлиғи, СССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ В. М. Молотов 5 сентябрьда Москвадан Парижга келди. (ТАСС).

ЗАВОДДА РАДИОУЗЕЛ

Фрунзе номли Ўрта Осиё химия машинасозлиги заводида кучли радиоузел ишга тушди.

Радиоузел тушки овқат вақтларида Москва ва Тошкентдан хабар ва музикалар олиб эшиттиради. Ҳафтада тўрт марта радиогазета бўлиб туради ва ишлаб чиқариш планини бажариш юзасидан социалистик мусобақанинг бориши кўрсатилади. Илғор ишчиларнинг, стахановчиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилади. Радио орқали Париж конференциясининг материаллари эшиттирилади, газета ва журнал мақолалари, бадиий адабиётдан ўқиб берилади.

И. ЛЕВАН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИ

1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Абдужаббор АБДУРАҲМОНОВ сўзи*)

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комиссиясининг раиси ўртоқ Абдуллаев ўз докладида 1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планининг лойиҳаси тўғрисида батафсил гапирди.

Бешйиллик планда белгиланган ишлар амалга оширилиши натижасида республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ғоят даражада юксалади, халқнинг моддий аҳволи янада яхшиланади ва маданий савияси кўтарилади.

Мен Сталинча янги бешйиллик планни амалга оширишга қандай вазиятда киришаётганлигимиз тўғрисида қисқача сўзлаб ўтмоқчи бўламан.

Герман фашизми ва япон империализмининг тор-мор қилиниши Совет Иттифоқи халқларининг бениҳоя катта муваффақиятидир. Бу, оламшумул тарихий аҳамиятга эга ғалабадир.

Совет халқи иккинчи жаҳон уруши давомида коммунист (большевик)лар партияси ва улуғ доҳий ўртоқ Сталиннинг раҳбарлиги остида совет Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлади, унинг шуҳратини оширди.

«Бизнинг ғалабамиз,— деди ўртоқ Сталин,—аввало, **совет ижтимоий тузумимиз ғалаба қилди, совет ИЖТИМОИЙ тузуми уруш ўтида муваффақият блан синовдан ўтиб ўзининг яшашга тамомила қобил эканлигини исбот қилди,** демакдир».

«Иккинчидан, бизнинг ғалабамиз совет ДАВЛАТ тузумимиз ғалаба қилди, кўп миллатли совет давлатимиз урушнинг ҳамма синовларидан ўтиб, ўзининг яшашга қобил эканлигини исбот қилди, демакдир».

«Учинчидан, бизнинг ғалабамиз, совет қуролли кучлари ғалаба қилди, Қизил Армиямиз ғалаба қилди, Қизил Армия урушнинг ҳамма машаққатларига қаҳрамонларча бардош берди, душманларимизнинг армияларини яксон қилди ва урушдан енгиб чиқди, демакдир».

Сталинча уч бешйилликда мамлакатимизда қудратли иқтисодий негиз яратилиши ана шу оламшумул тарихий ғалабамизни та'мин этди.

Большевиклар партияси мамлакатни индустрлаш сиёсатини, қишлоқ хўжалигини коллективлаш сиёсатини изчиллик ва қат'ият блан амалга оширганлиги натижасидагина мустаҳкам моддий негиз яратилди.

Сталинча бешйилликлар даврида Совет Иттифоқидаги барча республикаларнинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Миллий республикаларнинг саноати ва қишлоқ хўжалиги айниқса тез ўсди, маданияти мавж уриб юксалди.

Ўзбекистон хўжалик ва маданият соҳасида кўп асрлардан буён давом этиб келган қолоқликни тугатиш учун олиб борилган курашни муваффақият блан тугаллади ва ўзининг саноат ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида олдинга қараб катта қадам қўйди. Совет Иттифоқининг асосий пахта кони бўлган Ўзбекистон пахтачиликни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

Сталинча бешйилликлар даврида Ўзбекистонда олинган пахта қарийб 3 марта кўпайди. 1928 йилда 555 минг тонна пахта олинган бўлса, 1940 йилда 1 миллион 417 минг тоннача пахта олинди. 1928 йилда гектаридан 9,4 центнер пахта ҳосили олинган бўлса, 1940 йилда 15,4 центнер ҳосил олинди.

Сталинча бешйилликлари даврида Ўзбекистон саноатининг умумий маҳсулоти 8 марта ортди.

Республика халқ хўжалигига 4 миллиард 755 миллион сўм сарф қилинди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса сталинча уч бешйиллик амалга оширилган даврда Ўзбекистоннинг ўз интеллигенцияси ўсиб етишди, Ўзбекистоннинг ўз адабиёти, сан'ати, музикаси яратилди.

Ўзбек халқининг моддий аҳволи ғоят яхшиланди ва маданияти ўсди.

Халқ оммасининг мисли кўрилмаган ватанпарварлиги Ўзбекистонда Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори, Жанубий ва Шимолий Фарғона каналлари, Тошкент областида катта каналлар ва бошқа бирқанча ирригация иншоотлари, гидростанциялар ва кўп миқдорда йирик саноат корхоналари қуришга имкон берди.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги қардош халқлар блан бир жон-бир тан бўлиб, Улуғ Ватан урушида, фашизмни тор-мор келтиришда фаол иштирок қилди.

Ўзбекистон ССРнинг йигирма йиллиги муносабати блан ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг юборган табрик телеграммасида қуйидагилар айтилган эди:

«Совет Иттифоқининг фашистлар Германиясига қарши олиб борилган Ватан урушида Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз совет Ватанига буюк садоқат намуналарини кўрсатдилар».

Уруш йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигида катта ўзгаришлар бўлди. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналар негизида саноатнинг янги тармоқлари, чунончи авиация, моторсозлик, электр саноати, ўқ-дори ва ярог-аслаҳа ишлаб чиқарадиган корхоналар ва шу сингари корхоналар вужудга келтирилди.

Саноатнинг тез ўсиши мустаҳкам энергетика базаси вужудга келтиришни талаб этди. Уруш йилларида Ўзбекистонда тошкўмир чиқарила бошлади, нефть чиқариш кескин суратда оширилди, янги гидроэлектростанциялар кетма-кет ишга тушди.

Уруш йилларида бизнинг олдимизда ўз металлургия базамизни вужудга келтириш вазифаси турар эди.

Бутун ўзбек халқининг иштироки блан Бекободда металлургия заводи қурила бошлади. Бу заводнинг биринчи навбати ишчилар, инженер-техник ходимларнинг фидокорона меҳнати натижасида қурилиб бўлди. Металлургия заводи Ўзбекистон ССР Олий Советининг VIII сессияси шарафига биринчи прокат пўлатлар ишлаб чиқарди. (Ўртоқ Абдураҳмонов завод ишлаб чиқарган маҳсулот намуналарини кўрсатади).

Бекобод заводи ишлаб чиқарадиган металл саноат, ирригация қурилиши эҳтиёжлари учун, тракторларга ва қишлоқ хўжалик машиналарига керакли қисмларни тайёрлаш учун ишлатилади.

Заводдаги барча ишчилар, инженер-техник ходимларнинг фидокорлик ва жонбозлик блан қилган меҳнати натижасида республика хўжалиги зарур металлургия маҳсулоти олди. Заводнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари уларнинг шу фидокорона меҳнати учун ташаккур изҳор қилишга руҳсат этасиз. **(Олқишлар).**

Уруш даврида республикамизнинг қишлоқ хўжалиги Қизил Армияни ва аҳолини озиқ-овқат блан, саноатимизни эса керакли хомаш'ё блан та'минлаб келди.

Партиямиз ва ҳукуматимизнинг миллий сиёсатини тўғри амалга ошириш натижасида шундай муваффақиятларга эришилди. Бу ишлар партия ва ҳукуматнинг, доҳиймиз ўртоқ Сталиннинг республикамизга кун сайин зўр э'тибор қилиб, катта ёрдам бераётганлигини очиқ-равшан кўрсатади.

Уруш ғалаба блан тамом қилингандан кейин, Совет Иттифоқининг халқлари тинч шароитда ижодий меҳнатга яна кириша олдилар.

Партия, ҳукумат ва ўртоқ **Сталин** совет халқи олдига халқ хўжалигининг барча тармоқларини тезликда тиклаш ва янада ривожлантириш вазифасини қўйдилар.

«Янги бешйиллик планнинг асосий вазифалари,— деди ўртоқ Сталин, — мамлакатнинг зарар кўрган районларини тиклаш, саноат ва қишлоқ хўжалигини урушдан илгариги даражага етказиш ва сўнгра бу даражадан хийла ўзиб кетишдан иборат».

Бешйиллик планнинг амалга оширилиши натижасида Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги урушдан илгариги даражадан ўзиб кетади. Чунончи, халқ даромади 38 процент, саноат маҳсулоти 48 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 27 процент, юк ташиш ва транспорт бўйича 36 процент, мол обороти 28 процент ортади.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планининг амалга оширилиши натижасида совет халқи коммунизмнинг тўла ғалабаси сари олға қадам босади. Совет давлатининг ҳарбий-иқтисодий қудрати янгида мустаҳкамланади ва қуролли кучларимиз кучаяди, халқнинг моддий аҳволи мисли кўрилмаган даражада яхшиланиб, маданий савияси бениҳоя кўтарилади.

ЎзССР Министрлар Совети 1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планини ЎзССР Олий Советининг шу сессияси муҳокамасига тақдим этди. Бу план СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш юзасидан СССР Олий Совети қабул қилган планга мувофиқ тузилган.

Бешйиллик план Ўзбекистон ССРда 1946—1950 йиллар мобайнида капитал ишлар ҳажмини 3 миллиард 900 миллион сўм миқдорида белгилайди, шу жумладан республика қарамоғидаги хўжаликка 1 миллиард 266 миллион сўм сарф этилади, ҳолбуки, дастлабки уч бешйиллик даврида йирик қурилиш ишларига 4 миллиард 756 миллион сўм сарф қилинган эди.

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1946 йил 2 февральда ўртоқ **Сталиннинг** ташаббуси блан, республикада пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Республикада пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантиришдан иборат Сталинча программани амалга ошириш—бу планнинг асосий хўжалик ва сиёсий вазифасидир.

Ўртоқ Сталин Совет Иттифоқининг иқтисодий негизи ҳақида гапириб, пахтани металл, ёқилғи ва ғалла блан бир қаторга қўйди.

Шу сабабдан, пахтачиликни янада ривожлантириш умум-иттифоқ аҳамиятига эгадир. Совет Иттифоқида олинадиган жам'и пахтанинг 60 процентдан кўпроғини Ўзбекистон беради.

Ўзбекистон 1947 йилдаёқ пахтачиликни урушдан аввалги даражага етказиши, 1950 йилда 2 миллион 139 минг тонна пахта бериши керак. 1953 йилда эса умум пахта маҳсулотини 2 миллион 400 минг тоннагача етказиш ёки Ўзбекистонда урушдан аввал энг кўп ҳосил олинган йиллардагига қараганда бир ярим баравар ошириши керак.

1953 йилда пахта майдони 1 миллион гектарга ва ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 25 центнергача етказилиши лозим.

Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

Биринчидан, янги ерларни ишга солиш ва экин майдонларини кенгайтириш соҳасидаги катта иш программасини бажариш лозим.

Сувли ерлардаги пахта ва беда майдони 1 миллион 500 минг гектарга етказилиши, шу жумладан пахта майдони 1 миллион гектарга ва беда майдони 500 минг гектарга етказилиши лозим.

Биринчи галда 320 минг гектар ерни ишга солиб, бу ерларга пахта ва бедани яна алмашлаб эка бошлаш, шунингдек шартли суғориладиган 140 минг гектар ерга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш лозим.

Бундан ташқари, биз бешйиллик мобайнида ирригация қурилишини кенгайтириш йўли блан яна 173 минг гектар сувли ерга қишлоқ хўжалик экинларини экишимиз лозим.

Иккинчидан, деҳқончилик ишларининг сифатини анча оширишимиз, илғор агротехниканинг муваффақиятларидан ва илғор пахтакорларнинг яхши тажрибаларидан кенг фойдаланишимиз лозим. Пахтакор колхозларнинг ҳаммасида тўғри алмашлаб экиш жорий қилинсин. Бу, пахта ҳосилини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Учинчидан, ғўза парваришини комплекс асосда механикалаштиришга ғоят жиддий э'тибор берилиши лозим. Бу чорани амалга оширмай туриб, 1946 йил 2 февраль тарихли қарорда кўрсатилган даражада пахтачиликни ривожлантириб бўлмайди. Бешйилликнинг охирига келганда ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги асосий ишлар механикалаштирилган бўлиши керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалигидаги машиналар — тракторлар, культиваторлар ва шу сингариларни кўпайтириш, шу блан бирга янги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак.

*) Қисқартиб олинди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИ

1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Абдужаббор АБДУРАҲМОНОВ сўзи

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Тўртинчидан, пахта майдонига чиқариб солинадиган минерал ўғитларни анча кўпайтириш вазифаси турипти. Бешйилликнинг охирида пахта далаларига солинадиган минерал ўғитлар миқдори урушдан аввалги миқдордан кўп даража ортиқ бўлиши лозим. Шу блан бирга, олинадиган минерал ўғитлардан, шунингдек республикада мавжуд бўлган маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш зарур.

Бешйиллик план пахта далаларини минерал ўғитлар блан та'минлаш мақсадида Чирчиқдаги электрохимия комбинатининг қувватини икки баравар оширишни, Қўқондаги суперфосфат заводини қуриб тамомлашни, Самарқандда янги завод қуришни, шунингдек Учқўрғонда химия заводи қуришни кўзда тутади.

Бешинчидан, сувдан фойдаланишда тартиб ва интизом жорий қилиш, мелиорация ишларига жиддий киришиш, ба'зи областьлардаги сув танқислигини тугатиш керак. Катта Фарғона канали, Шимолий ва Жанубий Фарғона каналлари каби катта каналларнинг қазилиши Фарғона водисида сув танқислигига асосан барҳам берди. Ҳозирги вақтда Наманган областининг Косонсой, Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон районларидагина сув етишмаётир. Косонсой сув омбори қурилиб тамомлангандан кейин, Тўрақўрғон ва Косонсой районлари сув блан тўла та'мин этилади. Янгиқўрғон районини сув блан та'минлаш учун ирригация канали қуриш масаласини ҳал этиш керак.

Фарғона водисидаги энг муҳим ишларнинг бири—зовурларни тартибга келтиришлар. Бу соҳада бошланган ишлар охиригача етказилиши блан Марказий Фарғонадаги ерлар батамом ўзлаштирилади.

Тошкент областида Молотов номли канал қурилиши Пискент ва Бўка районларини сув блан та'минлайди. Аммо, шу блан бирга, канал иншоотларини мустаҳкамлаш соҳасида бир қатор ишларни ҳам бажариш керак.

Сирдар'ёдан канал чиқариш йўли блан Мирзачўлдаги сув танқислиги тугатилади. Жуда катта Фарҳод тўғони қурилишининг тамомланиши, сув сатҳининг 27 метр баланд кўтарилиши бу масалани ҳал этишга имкон беради.

Бухоро ва Самарқанд областьларида сув танқислигини йўқотиш учун Каттақўрғон сув омборини қуриб бўлиш зарур.

Экин майдонларини янада кенгайтириш, жумладан Қарши даштларига сув чиқариш, шунингдек Бухоро ва Самарқанд областьларида сув танқислигини бутунлай йўқотиш учун Иттифоқ ҳукуматининг топширишига биноан, ҳозир Амудар'ё сувидан фойдаланиш масаласи кўрилмоқда.

Хоразм областида ва Қорақалпоғистонда ирригация соҳасида катта ишлар қилинади.

Ҳозирги вақтда кўп колхозларнинг автомашиналари бор. Бундан буён автомашиналар кўпроқ олиниши керак. Аммо, районларда, айниқса Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда йўл ва кўприклар тузук аҳволда эмас. Автотранспортдан самарали фойдаланмоқ учун йўл хўжалигимизни тартибга солиш керак.

Биз пахтачиликни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан берилаётган ғоят кўп моддий ресурслардан тўғри фойдаланишимиз керак.

Мен бунда пахтакорларга бериладиган ғалла, газлама, ёғ ва бошқа молларни назарда тутаман. Бу озиқ-овқат ва молларнинг ҳаммасини колхозларда бригада, звенонинг олган ҳосилига қараб ва ҳар бир колхозчининг ишлаган меҳнат кунларига қараб тақсимлаш та'минлансин.

Бу йил пахтанинг аҳволи қандай?

Пахтанинг етилишига қараганда, бу йил пахтадан яхши ҳосил олинади. Бу йил республикамиз Иттифоқ ҳукуматининг 1946 йил 2 февраль тарихли қарорига мувофиқ кўп миқдорда трактор, минерал ўғитлар олди. Биз ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги асосий ишларни барвақт ва қисқа муддатларда ўтказа олдик, культивация ва чопиқнинг сифати анча яхшиланди. Бу йил тракторлар яхшироқ ишладилар. Бизнинг олдимизда — етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида ва батамом йиғиштириб олиш ҳамда давлатга кам деганда 1 миллион 160 минг тонна пахта топширишдан иборат ғоят муҳим хўжалик-сиёсий вазифа турипти. Биз шунга эришиш блан Сталинча янги бешйилликнинг биринчи йили синовидан ўтган бўламиз.

Колхозчилар, пахтакор совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари бу шарафли вазифани бажариш учун бутун кучларини сарф қилажакларига ишонаман. **(Олқишлар).**

Бешйиллик планда пахтачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган чоралар республиканинг бутун халқ хўжалигини ва маданиятини яқин йиллар ичида юксалтириш йўлларини белгилайди. Пахтачиликни ривожлантириш— Ўзбекистон халқ хўжалигини юксалтиришда энг муҳим омилдир.

Бешйиллик план лойиҳаси саноатнинг ҳамма тармоқларини, шу жумладан машинасозликни янада ривожлантиришни кўзда тутади. Бу чора пахтачиликни комплекс асосда механикалаш вазифасини бажаришга, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам машиналар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва деталлар блан та'минлашга имкон беради.

Республикамизда химия саноати кенг ривожлантирилади.

Бешйиллик план тўғрисидаги Қонун лойиҳаси Ўзбекистонда мустаҳкам энергетика базасини вужудга келтириш мақсадида республикада жам'и 303 минг киловаттлик янги электростанцияларни ишга туширишни кўзда тутади.

Бешйилликнинг охирида республикамизда чиқариладиган электр қуввати 2 миллиард 135 миллион киловатт-соатгача ортади, я'ни 1940 йилдагига нисбатан 4,4 марта кўпаяди.

Бу даврда 8 та йирик ва ўртача катталикдаги гидростанциялар, чунончи Фарҳод ГЭСи, 1-нчи ва 2-нчи Оққовоқ, 1-нчи ва 3-нчи Қуйибўзсув, 6-нчи ва 7-нчи Шаҳрихон ва Хишров ГЭСлари қурилиб тамомланиши лозим; Оҳангарон теплоэлектроцентрали қурилиши керак, колхозларда гидростанциялар қурилиши қизитиб юборилиши лозим.

Бешйиллик план лойиҳасида тошкўмир саноатини кенгайтириш соҳасида анча катта ишлар қилиш мўлжалланади. 1950 йилда республикамизда чиқариладиган тошкўмир миқдори 1 миллион 130 минг тоннагача кўпайтирилади.

Фарғона водисида ва Ўзбекистоннинг шарқи-жанубида нефть конларининг кўплиги бешйиллик охирида 1 миллион 66 минг тоннагача нефть чиқаришга, я'ни урушдан аввалги даражага нисбатан 7 мартадан зиёд нефть чиқаришга имкон беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришдан иборат Сталинча программа республика оғир саноатининг ишлари учун кенг имконият туғдиради.

1950 йилда республика саноати ва маҳаллий саноатнинг ишлаб чиқарадиган умумий маҳсулот плани 2 миллиард 750 миллион сўм миқдорида белгиланади, я'ни 1940 йилда ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотга нисбатан 53 процент ортиқ маҳсулот чиқарилади.

1950 йилда тўқимачилик саноатида тайёрланадиган пахта толаси 754 минг тоннагача ортади, я'ни урушдан аввалги миқдордан 41,6 процент кўп бўлади.

Енгил саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришда урушдан аввалги даражадан анча ўзиб кетишлари керак. Маҳсулотнинг хиллари анча кўпайтирилади ва сифати яхшиланади. 1940 йилдагига нисбатан 60 процентдан ортиқ пойафзал тайёрланади.

Озиқ-овқат саноатининг умумий маҳсулоти урушдан аввалгига нисбатан 15,2 процент, гўшт-сут саноатининг умумий маҳсулоти эса 78 процент ортади.

Депутатлар Иттифоқ-республика саноати корхоналарининг ишлари тўғрисида гапирганларида саноатнинг ба'зи тармоқлари, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати кейинда қолаётганлигини жуда тўғри айтдилар.

Ўзбекистон Министрлар Совети бу министрликларнинг ишлари тўғрисида қилинган танқидни э'тиборга олади ва уларнинг ишларидаги камчиликларни йўқотиш учун зарур чоралар кўради.

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясининг ёмон ишлаётганлиги ҳақида ҳам гапирдилар. Уларнинг гаплари тўғри.

Ўзбекистон Министрлар Совети депутатларнинг танқидини э'тиборга олади ва маҳаллий саноат ҳамда ҳунармандчилик кооперациясининг ишларини мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўради.

Депутат ўртоқлар!

Бешйиллик план республиканинг халқ хўжалигини — саноат, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш соҳасида ғоят катта вазифаларни олдимизга қўяди. Бу вазифаларни бажариш учун ихтисосли кадрларга эга бўлишимиз керак. Олий ўқув юртларимизда ихтисосли кадрлар тайёрлаш учун ўрта мактабларнинг ишларини жиддий суратда яхшилаш керак. Республикадаги олий ўқув юртлари ҳар йили 6-7 минг кишини қабул қиладилар, аммо ўнинчи синфларни тамомлаб чиқучилар эса 2—2,5 минг кишидан ошмайди, ҳолбуки ўрта мактаб олий ўқув юртларига студентлар тайёрлаб берувчи асосий манба' бўлиши лозим.

Ўртоқ Муродхўжаев Маориф министрлигининг ишини баланд даражага кўтариш керак деб тўғри айтди. Бизда маориф ишлари соҳасида катта камчиликлар бор. Ўзбекистонда 1945—1946 ўқув йилида ўқиш ёшидаги 186 минг бола мактабларга жалб этилмай қолди. Ўқув йили давомида 72 минг бола мактабдан чиқиб кетди. Бундан ташқари ўтган йили 4-нчи, 7-нчи, 10-нчи синфларда ўқувчиларнинг 40 процентчаси имтиҳон бера олмай синфларида қолди.

Шу сабабдан халқ маорифи иши барча совет ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим. Биз, ўқиш ёшидаги болаларнинг ҳаммасини ўқитишимиз, мактабларнинг ишларини доим назорат қилиб туришимиз, йил ўртасида ўқувчиларнинг мактабдан чиқиб кетишига йўл қўймаслигимиз, мактабларда дарс сифатини янада яхшилашимиз ва ўқувчиларнинг дарсда улгуриб боришларини та'минлашимиз керак.

Ишчилар, колхозчилар ва интеллигентларнинг маданий эҳтиёжларини та'минлаш мақсадида кўпроқ бадиий ва оммабоп илмий китоблар чиқариш, нашриёт ва полиграфия базасини мустаҳкамлаш керак.

Театрларимизнинг иш сифатини ҳар тарафлама яхшилаш, кино-театрларни кўпайтириш лозим.

Бешйиллик план олимларимиз олдига катта вазифаларни қўяди.

Уруш йилларида манфур душманни тор-мор келтириш учун кучларини аямай, фидокорона ёрдам берган Ўзбекистон олимлари Сталинча бешйиллик планни амалга ошириш учун ўз билимлари ва ғайратларини сарф қилурлар деб ишонаман.

Бешйиллик план коммунал хўжалик соҳасида катта ишларни мўлжаллайди. Шаҳарларни ва колхоз марказларини янада обод қилиш — совет ташкилотларимиз олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бешйиллик план 900 минг квадрат метр ҳажмида давлат уй-жой фонди қуришни мўлжаллайди. Шу блан бирга беш йил ичида колхозларда маданий ва турар-жой бинолари қурилишига ҳам жиддий э'тибор қилишимиз керак. Биз уруш вақтида бу ишга лозим даражада э'тибор қилолмадик. Бундан буён шу камчиликларга йўл қўйиш мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган бешйиллик план лойиҳасида белгиланган вазифалар шулардан иборат.

Совет халқи халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш Сталинча бешйиллик планини баланд руҳ ва хурсандчилик блан қабул қилди, чунки бу план халқнинг асл манфаатларига мувофиқдир.

Бутун Совет Иттифоқида бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа жуда қизиб кетди.

Мен маҳкам ишонч билдириб айтаманки, ўзбек халқи ҳам Ўзбекистон коммунист (большевик)лар партиясининг раҳбарлиги остида улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами блан бешйиллик планда ўз олдига қўйган буюк вазифаларини шараф блан бажаради.

Шонли коммунист (большевик)лар партияси, улуғ доҳиймиз, севикли дўстимиз ва устозимиз ўртоқ **Сталиннинг** раҳбарлиги бунга гаровдир. **(Давомли, гулдурос олқишлар).**

ЎзССР Ер ишлари министри ўртоқ М. МУҲАММАДЖОНОВ сўзи

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш бешйиллик планида қишлоқ хўжалиги катта ўринни олади. Бешйиллик план ер ишлари ҳамда чорвачиликни тиклаш ва кескин ривожлантиришни кўзда тутади.

Бешйилликнинг вазифаларидан бири— пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат. Илғор пахтакор колхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, колхозлар ҳар тарафлама ривожланган тақдирдагина улар ҳамма вақт юқори ҳосил олишлари мумкин.

Демак, пахтакор колхозларда бедачилик, чорвачилик, боғдорчилик, пиллачилик, полизчилик ва бошқа ёрдамчи хўжаликларнинг ишлари яхши йўлга қўйилиши ва ривожланиши керак. Бунга Янгийўл районидаги Стаханов номли колхоз мисол бўла олади. Бу колхоз 175 гектар ерга пахта экиш блан бир қаторда, колхознинг 53 гектар бедаси, сабзавот ва полизчилиги, баҳорикор ерларда ғалласи, боғлари, узумзорлари бор. Шунингдек колхознинг чорвачилиги ҳам жуда ривожланиб кетган.

1945 йилда бу колхоз ҳар гектар ердан 30,5 центнердан пахта олди. Колхознинг даромади 2 миллион 275 минг сўмга етди.

Республикамизда шундай колхозлар борки, улар ўз хўжаликларининг бир томонинигина ўстирадилар. Бундай колхозлар 1945 йилда пахта планини бажаролмайдилар.

Айрим колхозларнинг бир томонлама ривожланишида айб биз раҳбар ходимлар зиммасига тушади. Колхозларга борар эканмиз, уларнинг хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг кейинда қолаётганини кўрмай қоламиз ва колхоз раҳбарларига рўй берган хатоларини тузатишда ўз вақтида ёрдам бермаймиз. Колхозларни ҳар тарафлама ривожлантириш ва пахтачиликни янада юксалтириш вазифаларини тўғри ҳал қилиш учун пахтани беда блан алмашлаб экиш — асосий шартлардан биридир.

1945—1946 йилларда пахтакор колхозларда пахтани беда блан алмашлаб экишни кенг кўламда қўлланиш учун кўп ишлар қилинди. Лекин Сурхондар'ё, Самарқанд ва Бухоро областьларидаги колхозларда пахтани беда блан алмашлаб экиш қаноатланурли ҳолда йўлга қўйилган эмас. Бу областьларнинг раҳбарлари алмашлаб экиш блан етарли шуғулланмайдилар.

ЎзССР Ер ишлари министрлиги Техника экинлари министрлиги блан биргаликда 1946—1948 йиллар мобайнида республикадаги пахтакор колхозларни алмашлаб экишга кўчириш ишларини асосан туғаллаш вазифасини ўз олдига қўяди.

Депутат ўртоқлар! Пахтачиликни янада юксалтириш учун республикамизда мустаҳкам ғалла базасини яратиш ҳам талаб этилади. Сталинча янги бешйилликнинг 1950 йилга бориб, республикамизда дон экинлари майдонини 1 миллион 371 минг гектарга ва ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 9 центнерга етказишни кўзда тутади. Демак ғаллачилик соҳасидаги асосий вазифа—донли экинлар ҳосилини ҳам анча оширишдан иборатдир.

Келгуси йил мўл ҳосил учун ҳозирдан замин тайёрлаш керак. Планга мувофиқ бу йил кузда 780 минг гектар ерга экин экиш лозим. Бунинг учун ҳозирданоқ кузги экишни оммавий тусда бошлаб юбориш ва уни 30 октябрьдан кечиктирмай тамомлаш керак.

ЎзССР Ер ишлари министрлиги 1950 йилга бориб барча ғаллакор колхозларни алмашлаб экишга кўчириш вазифасини қўйди. Шу блан бирга бешйиллик планга кўра районлар учун белгиланган нав'лар планига мувофиқ ёппасига кенг майдонларда ғалла экишга кўчириш ҳам тамомланади.

Ғаллачиликни юксалтиришда машина-трактор станциялари катта роль ўйнайди. Давлат ҳозирданоқ МТС ларга анчагина трактор, машина, станок, ускуналар, асбоблар берди. Колхозлар кўп миқдорда автомашиналар оладилар. МТС ва колхозларда механизмларнинг кўпайиши ғаллачиликни ривожлантиришга ва колхозчилар меҳнатини осонлаштиришга хизмат қилади.

Депутат ўртоқлар! Бешйиллик план боғлар ва токзорлар майдонини анча кенгайтиришни ва уларнинг ҳосилини оширишни кўзда тутади.

1946—1950 йиллар давомида колхозларда 15 минг гектар ерда ток кўчати ўтқазилади, 13,5 минг гектар ерда янги боғлар очилади ва субтропик экинлар экилади. 1300 гектар ерда резавор мева боғлари очилади. Шу блан бирга бешйилликда узумзор ва боғлар майдони икки мартадан кўпроқ кенгаяди.

Ўзбекистоннинг иқлими жуда яхши. Унинг мевалари хилма-хил ва лаззатлидир. Риштон ва Наманганнинг ўриги, Қува, Наманган, Варганзи ва Дашноқнинг анорлари, Оққўрғоннинг анжири, Тошкент ва Наманган олмаси, Самарқанднинг майизи, Қаршининг узуми ва бошқа жуда кўп мевалар ўз сифати ва мазаси блан бошқа мамлакатлардаги мевалардан анча фарқ қилади. 1946 йилнинг кузи ва 1947 йилнинг баҳоридан кечиктирмай, барча мевазорларимизда тўла тартиб ўрнатиш лозим.

Республикамизнинг колхозлари, қишлоқлари, район ва шаҳарларида боғдорчилик ва токчилик ишларини пахтачиликни ривожлантириш блан бирга қўшиб олиб боришимиз керак. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари атрофидаги районлар янги бешйилликда боғ, узум ва сабзавот районларига айлантирилиши керак.

Боғдорчилик ва токчиликни ривожлантиришнинг асосий шарти—давлат ва колхоз кўчатзорларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Шундай қилайликки, Ўзбекистонимиз пахта базасигина бўлиб қолмай, балки энг яхши нав'ли мевалар ўсадиган республикага ҳам айлансин.

Сталинча янги бешйилликда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантирар эканмиз, бу — Сталинча бешйилликда олдимизда турган энг асосий вазифани — пахтачиликни ривожлантириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш учун мустаҳкам замин яратади. (Олқишлар).

31 август ва 2 сентябрьдаги мажлислар кундалиги

ЎзССР Олий Совети Сессиясининг 31 августдаги ҳамда 2 сентябрь эрталабки мажлисларида кун тартибидаги 2-нчи масала—Ўзбекистон ССРнинг 1946 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш ва Ўзбекистон ССРнинг 1945 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон ССР Молия министри ўртоқ **М. Исомиддинов** доклади юзасидан музокаралар бўлди.

Музокараларда биринчи бўлиб ЎзССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ **Х. Ғофуров** сўзга чиқди. Ўртоқ Ғофуров янги бюджетда кўпгина маблағлар ажратилиши муносабати блан даволаш муассасаларининг ўсиши ва соғлиқни сақлаш ишларининг яхшиланиши учун катта имконият туғдирилганини айтди.

Ўртоқ Ғофуров сессияга мурожаат қилиб, соғлиқни сақлаш министрлигининг даволаш муассасалари ҳамда ўқув юртлари биноларининг капитал ремонти учун қўшимча маблағ ажратилишини илтимос қилди. У, жойларда даволаш муассасаларини қишга тайёрлашда медицина ходимларига яқиндан ёрдам беришни, медицина кадрларига ҳар тарафлама кўмаклашиш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиб туришни депутатлардан сўради.

Депутат ўртоқ **С. Нуриддинов** ўз сўзини республикамиз пойтахтининг хўжалик ва маданий ўсиши масаласига бағишлайди.

—1945 йилда,—дейди ўртоқ Нуриддинов,—Тошкент шаҳрининг ободончилиги, мактаблар ва даволаш муассасаларининг ремонти учун 21,8 миллион сўм ажратилган эди. Бу йил ана шундай ҳаражатлар учун ажратилган маблағ 32 миллион сўмга етказилган.

Ўртоқ Нуриддинов бюджетда социал-маданий тадбирлар, жумладан халқ маорифи, сан'ат, соғлиқни сақлаш, социал та'минот ҳаражатлари учун ажратилган маблағнинг ўсиши тўғрисида гапиради. Ана шу каби ҳаражатлар учун давлат ўтган йилги сарф этилган маблағдан 25 миллион сўм ортиқ пул ажратган. Бу ҳол Тошкент мактабларида янгидан 308 та синф очиш, болалар боғчаси ва яслалардаги ўринлар сонини кўпайтириш, даволаш муассасаларида касаллар учун ўринлар сонини оширишга имконият туғдиради.

Депутат ўртоқ Нуриддинов аҳолига кино-картиналар кўрсатишдаги, айниқса йилнинг қиш мавсумида рўй бераётган жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди. Иккита кино-театр биносининг бошқа ташкилотлар ихтиёрига ўтиб кетганлиги сабабли, Тошкентдаги қишки кинотеатрларда аҳолига хизмат кўрсатиш деярлик икки баравар қисқарган. Ўртоқ Нуриддинов бошқа ташкилот ихтиёрида бўлган «Родина» кинотеатрининг бўшатиб берилиши масаласини қўяди. Шунингдек у, ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинолаштириш бошқармасининг қишки кино биноларини тезроқ ремонтдан чиқариши зарур эканини айтади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ **П. Сеитов** ўз сўзида Қорақалпоғистон республикасининг хўжалиги ва маданияти ўсганлигини муфассал гапиради. У, шундай дейди:

— Ўзбекистон ССР Олий Советининг VIII Сессияси тасдиқига тақдим этилган 1946 йил бюджети совет тузуми ва социалистик системадаги хўжалигимизнинг улуғ кучи ва ҳаётийлигини исбот қиладиган яққол бир мисолдир.

Ўртоқ Сеитов республика хўжалигининг янада ўсишини тасвирлайдиган рақамларни—янги давлат бюджетидаги рақамларни бирма-бир айтади. У, маориф, соғлиқни сақлаш, шаҳарлар ободончилиги каби бюджетнинг асосий моддаларига муфассал тўхтаб, сессиядан уй-жойлар ремонтини кенг кўламда олиб бориш учун қўшимча маблағлар сўрайди.

Ўртоқ Сеитов ўз сўзининг охирида, Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги ва Коммунал хўжалиги министрликларининг ишларидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилади.

Музокараларда сўзга чиққан депутат ўртоқ **А. Давронов** Ўзбекистон ССРнинг 1946 йилги бюджети келажакда аҳолининг турмуш аҳволини янада яхшилаш учун барча шароитни яратиб берганини айтади.

— Бунга,—дейди у — ўтган йилга нисбатан 16 процент ошган Самарқанд областининг бюджети яққол мисол бўла олади. Социал маданий тадбирлар учун ажратилган маблағлар эса, 25 процент оширилган.

Депутат ўртоқ Давронов сессиядан асфальт-битон заводи қурилиши, Самарқанд водопроводининг иккинчи навбатини тамомлаш, коммунал ва маиший муассасаларни ремонт қилиш, шунингдек кўкаламзорлаштириш ва йўл қурилиши учун қўшимча маблағлар ажратишни сўрайди.

Ўртоқ Давронов шуни кўрсатиб ўтадики, Самарқанддаги медицина ва маданий муассасалар ёрдамга муҳтож бўлиб, улар ўз ишларини ривожлантириб юбориш учун маблағ ажратиш масаласини қўймоқдалар. Жумладан янги театр ва шаҳарнинг Сиёб районида янги қишки кинотеатр биносини қуриш масаласи кўтарилмоқда.

Фарғона область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Усмонхўжаев** ўз сўзида область меҳнаткашларининг хўжалик соҳасида эришган катта ютуқлари, пахта ҳосилининг ошганлиги, Фарғона водисининг маданий ва хўжалик қурилишларидаги янги истиқболлари тўғрисида гапирди. У, область меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган ватанпарварлиги ҳақида мисоллар келтирди.

Ўртоқ Усмонхўжаев маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси ишида юз бераётган жиддий камчиликларга тўхтаб ўтди. У, Фарғона областидаги маҳаллий саноат корхоналарининг 1945 йил бюджетига оборотдан тўлайдиган солиқларни 1 миллион 170 минг сўм кам берганини айтди.

Ўртоқ Усмонхўжаев мактаблар ва даволаш муассасаларининг капитал ремонт қилиш, Горький номли Фарғона область музика драма театрини қайта ускуналаш, шунингдек Қўқондаги маданий муассасалар ремонти учун сессиядан маблағ ажратишни сўрайди.

Ўзбекистон ССР Социал та'минот министри ўртоқ **И. Очилбеков** ўз сўзида, ватан уруши инвалидларини ишга жойлаштириш ва уларга бериладиган моддий ёрдамлар тўғрисида гапирди.

— Социал та'минот министрлигининг ишида,—деб сўзида давом этади ўртоқ Очилбеков — уруш ва меҳнат инвалидларига ҳунар ўргатиб, уларни ишга тортиш катта ўринни олиши керак. Ана шундай мақсадлар учун 1946 йил давлат бюджетида 3 миллион 197 минг сўм пул ажратилган.

Ўртоқ Очилбеков интернатларда яшовчи ватан уруши инвалидларининг моддий-маданий ва маиший шароитларини яхшилаш зарурлиги масаласига сессия қатнашчиларининг диққатини тортади. Ўзбекистон Министрлар Совети маҳаллий советлар зиммасига интернатлар учун қулай бинолар ажратиш, интернатлар ҳузурида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилишда кўмаклашиш, улар учун участка, асбоб, уруғлик, ўғитлар ва ҳоказоларни ажратиш мажбуриятини юклаган эди.

Социал та'минот министри ўртоқ Очилбеков, сўзининг охирида протез заводларининг фаолиятига ва бу саноатнинг ишини яхшилаш учун министрлик томонидан кўрилаётган тадбирларга тўхтайди.

Хоразм область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Раҳмонов** ўз сўзида республика меҳнаткашларининг моддий маиший аҳволини яхшилаш кўп жиҳатдан Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш Сталинча программасининг бажарилишига боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтди. Шу сабабли ҳозир республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун барча кучимизни сарфламоғимиз лозим.

— 1946 йил давлат бюджетида, —дейди ўртоқ Раҳмонов, — Хоразм областида халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш йўллари яққол акс эттирилган. Область меҳнаткашлари партия ва ҳукумат топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ғайрат блан ишлаяжаклар.

Шундан кейин ўртоқ Раҳмонов, йўллар қурилиши, янги яйловларни ўзлаштириш, Урганч ва Хива шаҳарларининг ободончилик ишлари, шунингдек медицина муассасалари тармоқларини кенгайтиришга доир ҳаражатларни бюджетга қўшиш лозимлигини айтди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Наманган область ташкилот комитети раиси ўртоқ **З. Сатторов** Наманган областидаги колхозчилар ва барча меҳнаткашларнинг халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ютуқларини гапириб, 1946 йилда анчагина янги портов ерларнинг ўзлаштирилажагини айтиб ўтди. Шу жумладан Бўзадаги кўпгина ерларни ўзлаштириш кўзда тутилади.

— Бундай катта ишларни бажариш учун—дейди ўртоқ Сатторов,—бюджетимизда махсус маблағ ажратилган эмас. Биз бу янги участкаларга кишиларни кўчириш, асбоб-ускуна, бинокорлик материаллари ва овқатлар ташиш учун йўл қуришимиз талаб этилади. Биз шу йилнинг ўзидаёқ 54 километр масофада янги йўл қурмоқчимиз. Бу тадбир учун бюджетда 324 минг сўм пул ажратишни сессиядан сўраб ўтаман. Ўртоқ Сатторов ўз сўзини тамомлаб, сессияни ишонтирадики, область меҳнаткашлари, большевиклар партияси, совет ҳукумати ва ўртоқ Сталиннинг яқиндан қилаётган ғамхўрлигига жавобан ғайратга ғайрат қўшиб ишлаяжаклар.

Депутат ўртоқ **В. И. Князев** ўз сўзини Ўзбекистонда са'натнинг ривожланиши масалаларига бағишлади. У, Ўзбекистонда театр сан'атининг айрим ютуқларини кўрсатиш блан бирга театрларнинг ишида юз бераётган жиддий камчиликлар тўғрисида ҳам гапирди.

— Ўзбек ва кўпгина рус театр коллективларининг чекланган мавзу'лардаги репертуарлари, репертуар планларининг бузилиши ва янги асарларни саҳнага қўйиш муддатларининг кечикиши, театрларнинг ғоявий ижодий савияси етарлик бўлмаслиги — ана шуларнинг ҳаммаси театрларнинг ишига катта та'сир қилмоқда.

Ўртоқ Князев театр ўз ўқув юртларининг молиявий ва хўжалик ишларидаги камчиликларга тўхтаб, музика ва театр, ўқув юртлари учун уй-жой ҳамда моддий база яратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У Ўзбекистонда сан'атнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни бюджетда кўрсатиб ўтишни сессиядан илтимос қилади.

Совет хотин-қизлари делегациясининг Австралияга боролмай қолганлиги тўғрисида

Австралия хотин-қизлар миллий конгресси конференциясининг ишларида иштирок қилмоқ учун совет хотин-қизлари делегацияси Австралияга чақирилган эди. Австралияга бориши лозим бўлган шу совет хотин-қизлари делегациясига инглиз аэропланида нима сабабдан ўрин берилмаганлиги тўғрисида Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрлиги 2 сентябрьда баёнот чиқарди. Бу баёнотда айтилишича, делегациянинг Австралияга жўнаб кетолмасдан Лондонда туриб қолишига гўё совет делегацияси айбли эмиш. Британия ва Австралия ма'мурлари хотин-қизлар делегациясини Австралияга жўнатиш учун гўё бутун чораларни кўрганлар эмиш.

Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрлигининг баёнотида бу масала нотўғри ёритилганлиги сабабли, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Ахборот бюроси қуйидаги аниқ далилларни келтиришни зарур деб ҳисоблайди.

Австралия хотин-қизлари Бирлашган Иттифоқининг Комитети иккала мамлакатдаги хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида совет хотин-қизлари делегациясини Австралияга таклиф қилган эди. Бу делегация Австралия хотин-қизлари миллий конгресси конференциясининг ишларида ҳам иштирок қилар деб ўйланган эди. Совет хотин-қизларининг фашизмга қарши комитети бу таклифни қабул қилди. Август ойининг бошида З. А. Гурина (делегация раҳбари), К. Д. Гюленева. П. П. Сушкина, Е. М. Чухнюк. Е. Швелёва ва А. П. Яковлевалардан иборат совет хотин-қизлар делегацияси Австралияга бормоқ учун Лондонга жўнаб кетди. Броқ. Британия ва Австралия ма'мурлари делегация а'золари учун Австралияга борадиган аэропланда ўрин беришдан бош тортганликлари сабабли делегация Лондондан жўнаб кетолмади.

5 августда Совет Элчихонаси Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрлигига мурожаат қилиб, делегация учун аэропланда ўрин берилишини илтимос қилди. 7 августда Ташқи Ишлар Министрлиги Британия ма'мурлари 4 вакил учун 13 августда учиб кетадиган аэропланда ўрин берадилар, қолган 2 вакил учун шундан кейинги кунларда ўрин берилади деб Элчихонага хабар берди. Совет хотин-қизлари делегациясининг Лондондан жўнаб кетишини тезлатиш мақсадида, Совет Ишлар Вакили 8 августда Буюк Британия Ташқи Ишлар Министри Бевин жаноблари ҳузурида бўлиб, ундан делегацияни тезроқ жўнатиш учун ёрдам беришини илтимос қилди. Бевин жаноблари бу тўғрида қўлдан келган чорани кўришга ва'да берди. Броқ, эртаси куни Британия ма'мурлари совет хотин-қизлари делегациясини Австралияга жўнатиш тўғрисида берган ва'даларини қайтиб олдилар. Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрлигининг ходими Бриммлоу жаноблари Британия ма'мурларининг бу қарорини Элчихонага билдириб. Австралиянинг Лондондаги Олий Комиссарининг ўринбосари Майл жаноблари делегацияни Австралияга юборишга қарши э'тироз билдирмоқда, деди Бриммлоу жаноблари айтдики. Майл жаноблари бу масала тўғрисида Австралия Ташқи Ишлар Министри Эватт жаноблари блан сўзлашиб, ундан ёрдам сўрамоқчи. 10 августда Майл жаноблари Совет Элчихонасига хабар бериб, ҳаво йўли банд бўлганлиги сабабли совет хотин-қизлари делегацияси а'золари учун аэропланда ўрин бериш мумкин эмаслиги ҳақида Эватт жанобларининг фикрига қўшилганлигини айтди. Британия ма'мурларининг делегация а'золари учун 13 августда аэропланда ўрин беришга рози бўлганликлари ҳаво йўлининг банд бўлганлиги тўғрисидаги баҳонанинг асоссизлигини кўрсатади.

Демак, агар Эватт жаноблари ва Майл совет хотин-қизлари делегациясининг учиб кетишига халақит бермасалар, Британия ма'мурлари уларнинг бу ҳаракатини қувватламаган бўлсалар эди, делегация илгари ва'да қилинганича 13 августда Лондондан жўнаб кетган бўлур эди. Совет хотин-қизлари делегацияси миллий конгресс конференциясига кечиккан бўлса ҳам, ҳар ҳолда айрим штатлардаги хотин-қизлар конференцияларида иштирок қилолиши мумкинлигини назарга олиб, Совет Элчихонаси совет хотин-қизлари делегациясини Австралияга жўнатиш учун Британия ва Австралия ма'мурларидан рухсат олиш учун икки ҳафта бўйи ҳаракат қилди, лекин унинг бу ҳаракати натижа бермади. 19 августда Буюк Британия Ташқи Ишлар Министрлигининг Йўллар Бўлими Совет Элчихонасига хабар бериб, делегация а'золари учун аэропланда ўрин олишининг ҳеч бир иложи йўқ, деб билдирди. Совет хотин-қизларининг фашистларга қарши комитети Британия ва Австралия ма'мурларининг совет хотин-қизлари делегациясига Австралияга бориши учун имконият беришдан зўр бериб бош тортаётганликларини қат'ий билгандан кейин делегацияга Москвага қайтишни таклиф этди.

Британия ва Австралия ма'мурларининг бу ҳаракати Совет Иттифоқи афкор оммасини албатта ҳақли суратда ғазаблантирди, бу эса совет матбуоти саҳифаларида ифода қилинди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ.

Ўқишнинг дастлабки кунида

Болаларимизнинг кўпдан бери кутган муродлари ҳосил бўлди. Улуғ Ғалабадан сўнгги тинчлик даврининг иккинчи янги ўқув йили бошланди. 2 сентябрь куни миллионлаб совет болалари ўзларининг севимли қадрдон мактаблари қучоғига отилдилар. Республикамиздаги бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг бағри хушчақчақ болалар блан тўлди. Пойтахтимиз Тошкентнинг кўп мактабларида болалар ноғора, сурнайлар, музиканинг оҳанглари блан кутиб олинди.

2 сентябрь кунининг эрта тонгида ҳарбир кўчада ўғил-қизини етаклаган кишилар ҳашаматли мактаб бинолари томон йўналдилар. 7-8 ёшга етган болани атлас, жужун кийинтирган ҳолда, жажжигина қўлидан ушлаб ма'рифат боғи—совет мактабига етаклаш қандай бахт!

Сталин районидаги Самарқанддарвоза кўчасининг ўзидагина тўртта мактаб жойлашган. Шу кўчада турувчи Хайринисса опа 7 ёш тўлган қизи Муҳтарамни, Умринисо опа қизи Дилдорхонни, Турсуной опа эса, қизи Насибани маҳалладаги 13-нчи мактабга олиб келдилар. Мактабнинг энг яхши педагогларидан республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Зокиров, Х. Собирова ва Р. Тоҳирова ўртоқлар болаларни самимий кутиб олдилар. Мактаб коллективи (директори ўртоқ О. Қаюмов) пухта тайёрлик блан биринчи машғулотларни бошлаб юборди.

Райондаги 59-нчи қизлар ўрта мактабида ҳам мактабга биринчи қадам қўяётган болаларни қабул қилиб олиш дуруст бўлди. Ота-оналар ўз болаларини мактабга юбориш блангина кифояланмай, уларга керакли ўқув аш'ёларини олиб беришни ҳам унутмаганлар. Қоратош маҳалласида турувчи 70 яшар Ғулом ота ўз ўғил ва невараларини мактабга олиб келиб қўйди. Лекин Ғулом ота икки соатдан сўнг яна мактаб эшигида пайдо бўлди:

— Директор қизим, Сизга саволим бор.

— Айтинг отажон.

— Эрталаб қизим Шарофатни ихтиёрингизга топшириб кетган эдим. Қариликда, айб қилмайсиз. Бизнинг оила ўқишдан топган. Илмнинг қадрини биламиз. Совет ҳукумати даврида ўғил-қизларимни кўнгилдагидек ўқитдим. Бири инженер, бири эса, врач бўлиб етишди. Шарофат блан неварам Мирҳомиднинг ҳам ака-опаларидек билимдон бўлиб етишишлари кўнгил орзусидир. Кексайган чоғимда уларнинг одамлар орасида ақлли фаросатли, билимдон, ҳаммага фойда келтирувчи кишилар бўлиб етишишларини тилайман. Шуларни ўйлаб-ўйлаб уларнинг ўқишидан яна бир хабар олай деб келган эдим.

Ғулом ота Шарофатдан тинчланиб, ўқитувчига ташаккур билдирди ва 82-нчи ўғил болалар мактабида ўқишга бошлаган Мирҳомиддан хабар олиш ниятида шошилиб чиқиб кетди.

Шу куни мактабга ўз болаларининг қандай жойлашгани ва қандай ўқиш бошланганидан хабар олиш учун келган ота-оналар жуда кўп бўлди. 95-нчи қизлар ўрта мактабида ҳам ўқувчиларни кутиб олиш тараддуди эрта азондан бошланди. Бу йил мактабга 100 га яқин 7-8 яшар болалар қабул қилинди. Биринчи синфлардаги машғулотлар уюшқоқлик блан бошланиб кетди. Эндигина мактабга қабул қилинган Клара Абдусаломова, Турсуной Полвонова кабилар биринчи қаторда ўтириб ўқитувчининг биринчи сабоғини тингладилар.

Тошкентнинг Москва районидаги ўғил болалар ўқийдиган намунали 115-нчи ўрта мактабда 1946-47 ўқув йилига тайёрлик яхши бўлган. Мактабнинг ҳашаматли биноси чиройли қилиб ремонтдан чиқарилган. Ҳарбир ўқув хонаси, лаборатория, кабинетлар керакли ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар блан та'минланган. Лабораториядаги тажриба асбоблари тўла ремонт қилинган. Мактаб коллективи мактабдаги 800 дан ортиқ ўқувчининг шахсий делосини тузиб чиққан. Ҳатто шу бу йилгина ўқишга қабул қилинган 200 га яқин болаларнинг ҳужжатлари тартибга солинган. Ўқув-методик ва тайёрлик ишлари яхши йўлга қўйилгани учун ЎзССР Маориф Министрлигининг қарори блан бу мактаб Ўзбекистон илмий-текшириш педагогика институти ихтиёридаги база мактабга айлантирилди. Мактабда педагогика ва методиканинг ҳамма соҳалари бўйича илмий-текшириш, тажриба ишлари бошлаб юборилди.

115-нчи мактабнинг коллективи (директори ўртоқ А. Аҳмедов) ўқув ёшидаги ҳамма болаларни 100 процент ўқишга тортди. 7-8 яшар болалардан иборат 5 та группа ташкил қилинди. Юқори синфларда дарс бериш учун энг отоқли ўқитувчилар тортилди.

Ҳамма мактабларда пионер ва комсомол ташкилотларининг янги ўқув йилига бағишланган деворий газеталари чиқарилди.

Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ба'зи мактабларда ўқишнинг биринчи кунидаёқ жиддий нуқсонлар сезилиб қолди. 13-нчи тўлиқсиз ўрта мактабнинг биноси дуруст ремонт қилинган бўлса ҳам, синфларда тозаликка риоя қилинмаган. 59-нчи ва 95-нчи мактабларда эса, ўқув ёшидаги болаларни тўла ҳисобга олиш ишидаги тартибсизликларга барҳам берилмаган.

Ўқишнинг биринчи кунидаги ютуқларини мустаҳкамлаш, юз берган нуқсонларни тезда тугатиш мактаб коллективининг асосий вазифасидир.

А. ОЛИМЖОН.

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД

Жиноий ташкилотлар тўғрисидаги масала юзасидан СССР бош қораловчиси ўртоқ Р. А. РУДЕНКОнинг охирги сўзи*)

СС СОҚЧИЛИК ОТРЯДЛАРИ

Герман фашизми тузган бошқа жиноий ташкилотлар орасида гитлерчилар партиясининг «соқчи отрядлари» — „Schutzstaffel" ёки қисқача СС деб аталган ташкилот алоҳида ўрин тутиши керак.

Герман фашизмининг энг оғир жиноятлари, чунончи, қамоқ лагерьларида одамларни кўплаб ўлдириш, тинч аҳолини ва ҳарбий асирларни шафқатсиз суратда жазолаш, кишиларни йиртқичларча ялпи қувғин қилиш каби жиноятлар СС номи блан чамбарчас боғланган.

Гитлернинг ва унинг шерикларининг халқларни қириш тўғрисидаги планларини асли асосан эсэсчилар амалга оширишлари керак эди.

СС рейхсфюрери бўлган Гиммлер кўп вақт эсэсчиларни «қора корпус» деб атар эди. Эсэсчиларнинг расмий газетаси «СС рейхсфюрери органи» «Дас шварце кор» («Қора корпус») деб аталар эди.

Бу тасодифий бир та'бир эмас эди. «Альгемейне СС» («умумий СС») ташкилотидан тортиб СС лагерь соқчилари ва қўшинларига қадар бутун СС системаси ҳақиқатда ҳам ўз жиноятлари учун жазо берилмаслигига ишонган, энг қабиҳ ва шафқатсиз гитлерчи «назариялар» руҳида махсус та'лим олган ва тарбияланган жиноятчилардан иборат алоҳида «корпус» сифатида тузилган система эди. Асосий фашист фитначиларга қулликқа туширилган миллион-миллион кишиларни ўлдириш, ўзгаларнинг ерларини босиб олиш ва «германлаштириш» сиёсатини амалга ошириш учун жуда кўп кадрлар керак эди. Бу вазифаларни СС а'золари бажардилар.

СС ташкилоти Гитлернинг преториан гвардияси, ур-йиқитчилар ва қотиллар уюшмаси сифатида вужудга келди ва ном чиқарди. У ўзи давом этган бутун даврда шундай ташкилот бўлиб қолди.

Совет қораловчилари бошқа далиллар қаторида «Дас шварце кор» газетасининг 1942 йил 20 августда чиққан сонини тақдим этдилар. Газетанинг бу сонида «германлаштирайликми?» деган сарлавҳа блан редакция томонидан ёзилган мақола босилган. Гиммлернинг бу мақолада баён қилган фикрлари СС нинг моҳиятини аниқлаш учун жуда муҳимдир. Шу сабабдан мен бу мақоладан яна кичик парчалар келтираман:

«...СС рейхсфюрери қуйидаги шиорни майдонга отди:

«Бизнинг вазифамиз Шарқни эски ма'нода германлаштиришдан, я'ни аҳолини немис тилига ўргатишдан ва немис қонунларини жорий қилишдан иборат эмас, балки Шарқда ҳақиқатан немис бўлган, бутун вужуди блан немис бўлган кишиларгина яшашига эришишдан иборатдир».

Бу мақола жиноий герман фашизми ўз ғалабасига ишонган ва миллион-миллион одамларни қиришга киришган даврда барча эсэсчиларни хабардор қилиш учун э'лон қилинган эди.

СС нинг ташкилотчиси бўлган Гиммлер 1943 йил 4 октябрьда СС группенфюрерларининг Познаньда чақирилган кенгашида Европадаги яҳудийларни қириш тўғрисида гапириб, бундай деган эди:

«Биз ўзаро бу тўғрида очиқдан-очиқ гапирамиз, лекин буни ошкора айтмаймиз. 1934 йил 30 июньда биз буйруқни бажариб, айбдор ўртоқларимизни отиб ташладик. Биз бу тўғрида ҳеч қачон гапирмадик ва гапирмаймиз... Эндиликда мен яҳудийларни «кўчиришни» яҳудий халқини қириш деб тушинаман. Бу ҳар ким осонлик блан айта оладиган ишга тааллуқлидир... Партиянинг ҳарбир а'зоси «яҳудий халқининг зоти қуритилиши керак» дейди «Программамизда яҳудийларни қириш, уларнинг зотини қуритиш аниқ ифодаланган». Биз буни қилаётирмиз... Кўпчилигимиз 100 киши, 500 киши ёки 1000 кишининг ўлиги нима эканлигини билади... Биз умуман айта оламизки, халқимизга бўлган муҳаббат учун энг оғир вазифаларни бажардик. Биз бу блан ўз виждонимизга ҳам, ўз фе'ли атворимизга ҳам зарар етказмадик».

Мен СС ташкилотининг тарихига тўхталиб турмайман. Шу юқорида айтилганлар муносабати блан фақат шуни эслатиб ўтиш мумкинки, 1925 йилдаёқ пайдо бўлган соқчилик отрядлари Гитлернинг 1934 йил 20 июльда чиқарган махсус буйруғи блан гитлерчилар партиясининг мустақил ташкилотига айлантирилди, чунончи эсэсчилар 1934 йил 30 июньда Гитлернинг сиёсий душманларини ўлдирганларидан кейин ана шундай даражага кўтарилди.

Гитлернинг буйруғида бундай дейилган:

«СС ташкилотининг фидокорона хизмати учун, айниқса 1934 йил 30 июньдаги воқиалар муносабати блан, СС ни нацистлар партияси ичида мустақил ташкилотга айлантираман».

СС нинг гитлерчилар давлат системасидаги тараққиёт тарихи СС ташкилотининг, «умумий СС» ташкилотларининг ҳам, «СС қўшинларининг» ҳам полиция аппарати — гестапо, СД, ялпи жазо чораларини амалга оширган, лагерьларни «тозалаган» эйнзатцгруппа ва зондер командалар ва бошқалар блан тобора иноқлаша борганлигини кўрсатади.

Бу жараён Гитлернинг 1938 йил 17 августда чиқарган маҳфий буйруғида такомилга эришди. Гитлер 1936 йил 17 июньда герман полицияси бошлиғи ва СС рейхсфюрери вазифасини нима учун бирлаштирганлиги ҳақида гапириб, бундай деди:

«1939 йил 17 июньда ички ишлар министрлиги ҳузурида СС рейхсфюрери ва герман полиция бошлиғини тайинлаш йўли блан («Рейхсгезетцблатт» 1-нчи қисм, 487-нчи бет) мен герман полициясини бирлаштириш ва қайтадан тузиш учун асос яратдим.

Бу тадбир ёрдами блан национал-социалистларнинг СС рейхсфюрери ва герман полиция бошлиғи қўл остида бўлган шутцен штаффелени (я'ни соқчилик отрядлари) герман полицияси блан яқин алоқа ўрнатди».

СС нинг кишиларни жазолаш ва қириш учун фашистлар томонидан махсус тузилган ана шу энг мудҳиш полиция органлари блан яқин алоқа қилганлигини назарга олгандагина СС нинг ролини тўғри тушиниш мумкин.

Ҳимоячилар ана шу ҳолни рад этишга уриндилар. Лекин бу муваффақият қозонмади. Ҳимоячилар СС ни судда бутунлай мустақил, бир-бирларидан тамомила ажралган «альгеймене СС» («умумий СС»), «фаффен СС» («СС қўшинлари»), «Ферфнюгунструппе СС» («СС нинг алоҳида отрядлари») «Тоде Копф» дивизиялари («Ўлик бош») каби қисмлардан иборат бир ташкилот деб тасвирлашга уриндилар.

СС нинг ана шу қўшилмалари ва бўлимларидан биттасининг ҳам, «Тоде Копф»нинг бироз қисмини истисно қилганда, полиция ва қамоқ лагерьларига, шунингдек Гитлер—Гиммлер—Гейдрих—Кальтенбруннер томонидан ўтказилган полиция «чораларига» ва гитлерчиларнинг бошқа оғир жиноятларига ҳеч қандай алоқаси йўқ эмиш. Ҳимоячиларнинг фикрича, ана шу жаллодларнинг жиноятларида фақат гестапочилардан Мюллер блан Эйхман, СС ташкилотидаги «Д» бошқармасининг бошлиғи Поль қатнашган эмиш, халос.

Шундай қилиб, ўн миллиондан ортиқ кишини ана шу етти киши ўлдирган ва азоблаган бўлиб чиқади.

Трибуналга ма'лум бўлган қалбаки гувоҳлар блан бир қаторда СС ҳимоячиларининг чақирган гувоҳлари, чунончи Мюнхеннинг собиқ СС бош фюрери ва полиция оберабшнитти, СС обергруппенфюрери барон фон Эберштейн, СС қўшинлари генерал-полковниги Хауссер, СС қўшинларини тўлдириш бўлимининг бошлиғи Брилл ёки эсэсчи судьялардан Рейнике ва Мор каби гувоҳлар СС ни ва эсэсчиларни оқлаш йўлидаги сурбетларча қилган ёлғонлари блан биринчиликни олдилар деб айтиш мумкин.

Лекин ёлғончиликнинг ҳам чегараси бор.

Ҳаддан ошган ёлғончилик жиноятчиларга ёрдам бериш уёқда турсин, балки тамомила фош қилди.

Бу ерда СС судьяси Мор гувоҳлик берди. Мор эсэсчилар қарамоғида бўлган энг мудҳиш қамоқ лагерьларидан бири—Бухенвальд лагерини махбуслар учун яхши овқат, спорт майдончалари ва катта кутубхонаси бўлган санатория деб, бу қамоқ лагеридаги махбуслар очиқ ҳавода енгил ишларнигина бажарар эдилар деб тасвир қилди. Суд бу гувоҳнинг ёлғон гапларига муносиб баҳо бериши керак.

СС ҳимоячилари чақирган ёлғончи «гувоҳлар»нинг гапларини қораловчиларнинг жиноий ташкилотлар тўғрисида тақдим этган ҳужжатлари тамомила фош қилади. Инкор этиб бўлмайдиган фактлар, жуда оғир жиноятлар тўғрисидаги фактлар ҳам бу ёлғонларни рад этади. Бу катта жиноятларни СС қисмлари ва ташкилотларида а'зо бўлган кишилар уюштирган ва қилганлар.

Уруш бошланган вақтда СС ташкилоти қуйидаги муҳим қисмлардан иборат эди:

1. «Умумий СС қисмлари» («альгемейне СС»), эсэсчи «СС қўшинлари» ёки бирон полиция ташкилотига юборилишдан илгари дастлаб ана шу «умумий СС қисмлари»да умумий та'лимот олиши керак эди. «Умумий СС қисмлари» герман фашизмининг махсус ташкилотлари—давлат маҳфий полицияси («гестапо»), хавфсизлик хизмати («СД»), қамоқ лагерьлари бошқармаси («группа Д») ва бошқаларни кадрлар блан та'минлаб турувчи марказ эди.

2. СС қўшинлари, бу қўшинлар ҳақиқатда немис армиясининг полиция хизматидан узоқда турган «гвардия қисмлари» эмас эдилар. Ҳимоячилар ва айбдорлар СС қўшинларини худди немис армиясининг «гвардиячи қисмлари» деб кўрсатишга уриндилар. СС қўшинлари жумласига бошқа қисмлар блан бирга «СС қўшинларининг лагерь комендатуралари» ҳам кирар эди. Бу лагерь комендатуралари қамоқ лагерьларида тинч аҳолини ва ҳарбий асирларни кўплаб ўлдирдилар. Бу қисмларнинг жиноий характерини ҳатто СС ҳимоячилари ҳам инкор этишга журъат қилолмадилар. Худди «ваффен СС» қисмлари (СС нинг полиция полклари ҳам булар қаторига кирар эди) аҳоли яшаб турган жойларни ва қишлоқларни вайрон қилдилар, Совет Иттифоқининг ва Шарқий Европа мамлакатларининг вақтинча босиб олинган ерларида сон-саноқсиз жиноятларни қилдилар.

3. СС системасида СС нинг қамоқ лагерьларини идора қилувчи хўжалик бошқармаси немис халқини мустаҳкамлаш юзасидан тузилиб қабиҳ «ирқ» назариясини амалга оширган бошқарма ва гитлерчиларнинг барча полиция ташкилотлари, шу жумладан эйнзатцгруппа ва зондеркомандалар ҳам бор эди.

Ҳимоячилар бу ерда СС блан полиция ўртасидаги алоқа гўё «юзаки» эди ва бу алоқа Гиммлернинг «умумий раҳбарлиги» натижасида келиб чиққан бир нарса эди деб да'во қилдилар. Менингча бу асоссиз да'во устида бахслашиб ўтириш зарур бўлмаса керак.

Гиммлернинг полицияда хизмат қилувчи ҳамма амалдорларнинг герман фашизми тузган бутун эсэсчи —полиция системасини кадрлар блан та'минловчи ва уларни бир-бири блан боғлаб турувчи «умумий СС қисмлари» да а'зо бўлиб туришларига қандай катта э'тибор берганлиги ма'лум. Бошқа далиллар қаторида судга Гиммлернинг «Сипо (хавфсизлик полицияси) амалдорларини СС а'золигига қабул қилиш тартиби тўғрисида» 1943 йил 24 апрельда Кальтенбруннерга ёзган хати тақдим этилган эди. Гиммлернинг ёзишича, СС а'золигига қабул қилиш учун «ариза берувчи ирқий ва мафкуравий жиҳатдан мувофиқ бўлиши, унинг болаларининг сони тўғрисида гарантия бўлиши, бутун авлоди соғлом ва ўзи касал ҳамда нотуд бўлмаслиги керак».

Герман фашизмининг бу қабиҳ «қора корпуси» герман фашизмининг жиноий планларини амалга оширишда ғоят муҳим роль ўйнади.

Эсэс кийими кийган, кишилик қиёфасини йўқотган бу аблаҳларга қилган жиноятлари учун жазо бериш у ёқда турсин, балки уларга сизлар келгуси «буюк Германия империяси» нинг асосий негизини ташкил этадиган «қадрдон ирқий табақа кишиларисиз» деб кун сайин тушинтирар эдилар.

Гиммлер уларга шундай деб тушинтирар, Гиммлер томонидан СС да юқори даражага кўтарилган рейхслейтер ва гаулейтерлар шундай деяр эдилар. «СС рейхсфюрери» уларнинг хизматига берган баҳосига қараб, уларнинг СС ташкилотларидаги мартабаси кўтарила борар эди.

Фашистлар Германиясининг ташқи ишлар министри Риббентроп СС ташкилотидаги унвони бўйича қотил Поль ёки босқинчи ва жаллод Глобочникка тенг эди. Риббентроп бундан хижолат бўлиш эмас, балки бу унвони блан жуда фахрланар эди.

Риббентроп ўзини СС группенфюрерлигидан обергруппенфюрер даражасига кўтариш муносабати блан Гиммлерга ёзган хатида бундай деди: «мен фюрернинг келгусида буюк Германия империясининг тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу фахрли корпусида а'зо бўлиб турищимни ҳамиша ўзим учун катта шараф деб билажакман».

Шундай қилиб, СС системаси Треблинка коменданти унтершарфюрер Курт Франции, «ажал машинаси»ни ўйлаб чиқарган унтерштурмфюрер Беккерни тирик кишилар устида ҳархил тажрибалар ўтказган СС «тажрибачиси» хауптштурмфюрер доктор Рашерни ва империя министри СС обергруппенфюрери Риббентропни бирлаштирди.

СС группенфюрерларининг Познаньда бўлган кенгашида Гиммлер СС ва полициянинг бирлиги ҳақида гапириб бундай деган эди:

«Мен бу ташкилотни ҳамиша такомиллаштириб келмоқдаман, бу ташкилотларни бир-бирлари блан маҳкам боғлаб турадиган воситани ҳамиша қидираман. Агар бу восита етарли даражада мустаҳкам бўлмасдан, ташкилотимиз бир-биридан ажрала бошласа, ишимиз аянчли бўлади. Чунки бундай ҳолда бутун ишимиз қисқа фурсатда илгаригига аянчли аҳволига қайтиб қолади... Мен бу иш учун биз Германия олдида жавобгармиз деб ўйлайман, чунки Германия СС ташкилотига муҳтождир. Ақалли кейинги асрлар давомида муҳтож бўлади».

Гиммлер ўз сўзини тамомлаб бундай деди:

«...Урушда ғалаба қозонилгач, бизнинг ишимиз бошланади. Мен бу тўғрида сизларга бундан илгари гапирганман».

«...Шу ташкилотдан, герман халқининг ана шу олий ирқий табақасидан авлодимизнинг энг кўпи яратилиши керак. Биз 20—30 йил мобайнида Европага раҳбарлик қилувчи табақани етиштириб бермоғимиз керак. Агар СС деҳқонлар блан биргаликда ва биз дўстимиз Бакке блан биргалашиб ҳечбир монеликсиз, ҳеч нарсани суриштирмасдан, кенг қулоч ва инқилобий матонат ва олижаноблик блан Шарқни эгаллай бошласак, биз халқлар чегарасини 20 йил мобайнида 500 километр Шарқ томон силжита оламиз...

...Биз Шарқда ўз қонунларимизни ўтказамиз. Биз доимо илгари силжиб, аста-секин Уролга бориб етамиз».

Эсэсчилар томонидан қилинган оғир жиноятларни қисқа нутқда санаб ўтиш мумкин эмас.

Бунинг кераги ҳам йўқ, чунки суд тақдим этилган далилларни унутган эмас.

Ҳимоячилар э'тироз билдирганликлари сабабли мен СС ташкилотидаги айрим группаларнинг жавобгарлигига доир ба'зи масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

а) «УМУМИЙ СС ҚИСМЛАРИ»

СС а'зоси ССга қарашли махсус ташкилотлардан қайси бирида а'зо бўлмасин, у даставвал «умумий СС қисмлари» да а'зо бўлар эди. «Умумий СС қисмларидан» ўчириш уни вазифасидан бўшатишга ва ҳамма имтиёзлардан маҳрум этишга сабаб бўлар эди.

Шу муносабат блан мен гитлерчиларнинг совет ҳарбий асирларига қилган жиноятлари тўғрисида совет қораловчилари томонидан судга тақдим этилган бир ҳужжатга тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап «махсус операция»ни ўтказган вақтда юз берган «можара» тўғрисида эсэсчи амалдорлар томонидан қилинган тергов материаллари ҳақида боради.

«Махсус операция» та'бирнинг нимадан иборат эканлигини суд яхши билади. Айни ҳолда СС гауптштурмфюрери Кальбах деган бир киши Бердичевдаги совет ҳарбий асирлари учун ташкил қилинган «тарбия-меҳнат лагери»ни текшириб чиққач, 78 совет ҳарбий асирни ўлдиришга қарор берган. СС лагери бошлиғи штурмшарфюрер Кноп томонидан ўтказилган сўроқ протоколида бу ҳарбий асирларнинг саломатлиги қуйидагича та'рифланган: «Бу ҳарбий асирлар жуда қаттиқ ярадор бўлганлар. Уларнинг ба'зиларининг икки оёғи йўқ, ба'зиларининг икки қўли йўқ, яна бирларининг бирон а'зоси етишмайди. Фақат ба'зиларинингина қўл-оёқлари ярадор бўлмаган, лекин улар шундай майиб бўлиб қолганки, ҳеч қандай ишни бажара олмайдилар». Фашист йиртқичлар дастлаб совет ҳарбий асирларини майиб қилганлар, кейинчалик улар ишга ярамайдиган бўлиб қолганликларидан, уларни ўлдиришга қарор берганлар.

Ҳукмни ижро қилиш вазифаси эсэсчилардан 3 кишига — СС унтершарфюрери Паланога, СС роттенфюрери Гессельбахга ва СС штурмфюрери Фольпбрехтга топширилган. Терговдаги материалларда бу уч эсэсчи қуйидагича та'рифланади:

«... Ҳарбий асирларни отиш топширилган ва юқорида айтилган уч кишини мен илгаридан билар эдим. Менга уларнинг Киевда бўлган вақтда кўп минглар-ча кишиларга ялпи жазо беришда қатнашганликлари ма'лум эди. Менинг вақтимда маҳаллий идора бу кишиларга кўп юзларча кишиларни отишни топшириб турар эди».

Лекин 28 совет ҳарбий асири қатл қилиниш учун олиб кетилаётган вақтда жаллодларга қаҳрамонларча қаршилик кўрсатиб, икки жаллодни ўлдирибдилар ва тарқалиб кетибдилар.

Ана шу можара муносабати блан тергов ўтказилибди. Шу блан бирга Бердичевдаги СС отрядининг командири касал бўлган бегуноҳ 78 ҳарбий асирни ўлдиришга қарор берганлиги учун эмас, балки уларнинг қочиб кетишига йўл қўйганлиги учун айбланади, албатта.

Мен бу мисолни СССР нинг вақтинча босиб олинган ерларида эсэсчилар томонидан қилинган жуда кўп ёвузликларнинг бирини яна эслатиб ўтиш учун эмас, балки тергов ўтказган эсэсчиларнинг сўроқ олдидан ёлғон гувоҳлик бергани учун жавобгарлик тўғрисидаги жуда характерли бир ҳужжатни ўқиб бериш учун келтираман.

Бу ҳужжатда бундай дейилган:

«...Яқинда сўроқ қилинажагим тўғрисида хабар берилди. Ёлғон гувоҳлик берганим тақдирда менинг СС дан ўчирилажагим айтилди».

«Умумий СС қисмлари»га кирган вақтда бу жиноий ташкилотнинг а'зоси бўладиган киши алоҳида қасам'ёд қилади. Бу қасам текстида қуйидагилар айтилган:

«Фюрер ва рейхсканцлер Адольф Гитлер мен сенга ва сен менинг устимдан қўмондонлик қилиш учун тайинлаган кишиларга то ўлганимга қадар итоат қилишга қасам'ёд қиламан».

Эсэсчи қаерда хизмат қилмасин, — Треблинка ва Освенцимда одамларни ўлдирганида ҳам, гестапо қамоқхоналарида маҳбусларни калтаклаганида ҳам «умумий СС қисмлари» нинг жоҳил ва шафқатсиз а'зоси бўлиб қолади у фақат иккита вазифани — «фюрер ва рейхсканцлерга» кўр-кўрона бўйсуниш ҳамда ҳарбир жиноий буйруқни сўзсиз бажариш вазифасини билади.

б) СС ҚЎШИНЛАРИ — «ВАФФЕН СС»

СС қўшинлари — «лейбштандартлар», я'ни Гитлернинг шахсий соқчи қисмлари ва «ўлик бош» дивизиясидан келиб чиқди. «Ўлик бош» дивизияси асосан қамоқ лагерьларида иш кўрар эди.

Уруш вақтида «СС қўшинлари»га бошқа қўшилмалар, қисмлар блан биргаликда лагерь комендатуралари, полиция дивизиялари ва қисмлари ҳам қўшилди. Лагерь комендатуралари миллионларча кишиларни ўлдириш тўғрисидаги буйруқларни бевосита амалга оширар ва маҳбусларни ўлдириш олдидан уларнинг тинкасини қуритар эдилар.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 5 ва 6 сентябрь сонларида чиқди.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ЖАНУБИЙ АФРИКА ИТТИФОҚИ ВАКИЛИНИНГ БЕМАЪНИ УЙДИРМАСИ

ПАРИЖ, 31 август (**ТАСС махсус мухбиридан**). Ҳарбий комиссия бугун Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг бирқанча моддасини қараб чиқди ва бир оғиздан маъқуллади. Шартноманинг 44-нчи моддасига киргизилган тузатиш қабул қилинди. Бу тузатиш Италиянинг ҳарқандай атом қуролларини сақлаш ва ишлабчиқариши тақиқланади. Югославия делегациясининг тузатиши ҳам қабул қилинди. Бу тузатиш Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг Италия истеҳкомларини йўқ қилишга тааллуқли 41-нчи моддасини аниқ таъбирлайди.

Жанубий Африка Иттифоқи вакилининг бутун ҳарбий комиссия мажлисида айтган сўзи жуда ғалати туйилди. У қўққисдан айтдики, Италиянинг қуролланиши масаласида «жуда қаттиқ» чеклаб қўйиш ярамайди, чунки Италия гўё қўшни давлатларнинг агрессияси хавфи остида яшамоқда.

Совет Иттифоқи, Украина ва Югославия делегациялари Жанубий Африка Иттифоқи вакилининг ана шу бемаъни гапига муносиб зарба бердилар.

Совет Иттифоқининг вакили Славин бундай деди:

— Маълумки, даставвал Франция ва Югославия Италияга қўшни давлатлардир. Бу давлатларнинг ҳар иккиси фашист агрессорларга қарши курашда актив қатнашди. Бу давлатларнинг вакиллари Сулҳ конференциясида тенг ҳуқуқли аъзолар сифатида иштирок қилмоқдалар. Италия аксинча, Германия томонида туриб урушди. Биз Италияни енгилган мамлакат деб ҳисоблаб, у блан сулҳ шартномаси тузмоқдамиз. Шу сабабдан, Жанубий Африка Иттифоқи вакилининг бу ерда айтган гаплари мутлақо асоссиз ва бемаза гаплардир!

Комиссиянинг ҳамма аъзолари генерал Славиннинг сўзини маъқулладилар. Италия ҳарбийларининг ишларини ҳимоя қилиб, шарманда бўлган Жанубий Африка Иттифоқи вакили, менинг сўзимни тўғри тушинмадилар, деб баҳона қилди.

*

ПАРИЖ. 2 сентябрь (**ТАСС махсус мухбиридан**). Сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини қараб чиқиш учун конференция томонидан тузилган комиссиялар бугун ишларини давом эттирдилар.

Италияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўручи комиссия бугун сулҳ шартномасининг 3-нчи моддасини, яъни Италия блан Югославия чегараси тўғрисидаги моддани қараб чиқишга киришмоғи керак эди. Ташқи ишлар министрлари кенгашининг таклифларини, шунингдек турли делегацияларнинг мулоҳазаларини ўрганиб чиқишга киришишдан аввал Италия делегациясининг бу масала тўғрисидаги фикрини эшитишга қарор қилинди.

ИТАЛИЯ ИМПЕРИАЛИЗМИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МИНБАРИДА

Мажлис раиси Италия-Югославия чегараси тўғрисида Италия ҳукуматининг фикрини Бономи баён қилади деб эълон қилганида мажлис қатнашчиларининг кўпи таажжубланди. Бономи эски Италиянинг асосий дипломатларидан бири бўлиб, Италия империалистларининг манфаатларига садоқат блан хизмат қилган кишидир. Бономи Италиянинг Ливиядаги босқинчилик урушини энг яқиндан туриб қувватлаганлиги учун Италия социалистлари 1911 йиллаёқ уни партия сафидан ҳайдаб чиқарган эдилар. Биринчи жаҳон урушидан кейин Бономи тор-мор қилинган Австро-Венгриядан мумкин қадар кўпроқ славян ерини тортиб олиш учун кўп куч сарф қилди. Унинг бу ҳаракати муваффақият топди.—Раппалода тузилган битимга мувофиқ (Бономи бу битим тузишда актив қатнашган эди) Италия Юлия ўлкасини олди. Эндиликда Бономи «янги», «демократик» Италиянинг вакили сифатида гапирмоқда.

Тўғри. Муссолини ҳукмрон бўлган йилларда Бономи ҳукумат ишларидан вақтинча четда турди. Аммо, у шу йиллар ичида ҳеч нарсани эсидан чиқармади ва ҳеч нарса ўрганмади. Италияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўручи комиссияда Бономининг бугунги баёноти Италия империалистларининг Болқон мамлакатларининг ерини босиб олиш тўғрисида очиқдан-очиқ қилинган тарғиботи эди. Фашистлар бундай баёнотга иккала қўллари блан имзо қўйишлари мумкин эди.

Бономи сўзининг бошида ҳаммага маълум тарихий фактларни инкор қилишга уринди. У қуруқ даъво қилиб, Италия халқи «Данте давридан бошлаб» Юлия ўлкасини Италиянинг ажралмас бир қисми деб билган эди, деди. Бономи сира уялмай, ҳатто Италиянинг машҳур демократ арбоби Мадзинининг сўзларини асос қилиб келтирмоқчи бўлди, ҳолбуки Мадзинининг бу масалада айтган ва конференцияда кўп марта такрорланган сўзлари комиссия қатнашчиларининг ҳаммасига маълум эди. Маълумки, Мадзини Италиянинг славян ерларининг бутунлигини ҳурмат қилиш учун изчиллик блан курашган эди ва итальянлар Соча дарёсининг қуйи қисмидан нарига ўз таъсирларини ёймасликлари керак деб очиқ айтган эди.

Сўнгра, Бономи империалистлар италиясини... 1914-1918 йиллардаги урушда славянларни озод қилучи бир куч деб тасвирлашга уринди. У ҳаммага маълум сабабларга кўра Лондонда 1915 йилда тузилган маҳфий битим тўғрисида ҳеч гап айтмади. Бу битимга мувофиқ Италия Болқон мамлакатларининг ерларини босиб олиш учунгина Германия ва Австро-Венгрия блан уруш бошлашга рози бўлган эди. Маълумки, Лондонда Италияга Юлия ўлкасинигина эмас, балки азалдан славянлар ери бўлган Далмацияни ҳам беришга ваъда қилинган эди. Дуруст, кейинчалик, яъни Италия урушда шармандаларча мағлуб бўлганидан кейин бу маҳфий битимни тузган кишилар ўз ваъдаларини қисман қайтиб олдилар. Лекин шундай бўлса ҳам Италия Югославиядан Юлия ўлкасини тортиб олди. Шундан кейин ҳам Бономи «Италиянинг урушга қўшилишдан кузатган асосий мақсади Юлия ўлкасида итальян халқининг қардошларини озод қилиш ва славянларнинг ўз давлатини тузишларига ёрдам беришдан иборат эди» деб сурбетларча мағрурланиб гапирди!

Бономи Раппалода Юлия ўлкаси тўғрисида тузилган битимни... Италия блан Югославия ўртасидаги чегара масалаларини бошқа давлатларнинг воситачилигидан ташқари тинч йўл блан ҳал этучи битим деб кўрсатишга уринди. Аммо бу битимнинг Югославияга мажбуран қабул қилдирилганлиги Италия ўз талабларида Лондонда тузилган маҳфий битимга асосланганлиги, Италиянинг талаблари қувватланиб, Италия қўшинлари Югославия территориясини босиб олганлиги ва уларнинг Любляньгача бориб етганлиги бутун дунёга маълум.

Бономи ўтмиш тарих ҳақида шундай ёлғон гапларни айтганидан кейин Италия ҳукуматининг ҳозирги программасини баён қилди. Шуниси қизиқки, у сулҳ шартномаси лойиҳасида белгиланган Италия-Югославия чегарасининг стратегия жиҳатидан муҳимлиги ҳақидаги мулоҳазаларини айтиб бу программани баён қилишга киришди ва лойиҳада белгиланган чегара ҳарбий жиҳатдан Италия учун мақбул эмаслигини сўнгра, Бономи Италиянинг азалдан славянларники бўлиб келган ерларга бўлган даъвосини иқтисодий жиҳатдан асослашга уринди. Аммо Бономининг тарихдан келтирган мисолларига ишониш мумкин бўлмагани каби унинг шу «далиллари»га ҳам ишониш мумкин эмас эди.

Масалан, Бономи Триестдан Шимолга олиб борадиган янги темир йўл қуриш мақбул бўлур эди, деди. Бу темир йўл фақат словенларгина яшайдиган ерлардан ўтиши керак эди. Шундай темир йўлни қуриш мақбул эканлиги ёки мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани Югославия ҳукумати ҳал этиши лозим эди. Аммо, Бономи ўринсиз гапириб, Италиянинг ихтиёрида фақат бир темир йўл қолдирган ҳолда, югославларга Триестга олиб борадиган икки темир йўлдан фойдаланиш имкони берилса адолатсизлик бўлур эди деб даъво қилди. У, бу гапидан мазкур район Италия ихтиёрига топширилиши лозим деган ғалати ва кутилмаган бир хулосани чиқарди.

Бономи шундай «далиллар»га асосланиб, азалдан славянларники бўлиб келган ерларнинг талайгина қисмини даъво қилди. Бономи Ташқи ишлар министрлари томонидан тузилган экспертлар комиссияси тақдим этган далилларни қуруқ даъволар блан рад этиб, ҳатто конференция янги комиссия тузсин, ва бу комиссияга Италия-Югославия чегараси тўғрисидаги масалани янгидан қараб чиқишни топширсин, деб талаб қилди.

Эркин Триест территорияси тузиш тўғрисидаги қарор лойиҳасига келганда, Бономи бу территория Югославия ерлари ҳисобидан анча кенгайтирилсин ва бу территорияга Пола порти ҳам қўшилсин деб талаб қилди.

АВСТРАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЗАРБАГА УЧРАДИ

Комиссияда Италия-Югославия чегараси тўғрисидаги масаланинг муҳокамасини келгуси мажлисга кўчиришга қарор қилинди. Бундан мақсад, комиссия аъзоларига Италиянинг баёноти блан пухта танишиб чиқиш имконини бериш эди. Шундан кейин комиссия территориялар ҳақидаги қарорларнинг Италия блан Франциянинг ўзаро мажбуриятларига тааллуқли бўлган иккинчи бобини қараб чиқишга киришди.

Бу моддалар анча тез қараб чиқилди, чунки бу моддалар тўғрисида ҳечким эътироз билдирмади, ҳеч ким бошқача фикр билдирмади ва тузатиш киритмади. Бу ҳол Австралия делегациясининг вакилларини безовта қилган бўлса керак. Австралия делегациясининг вакиллари ҳарбир масалани зўр бериб чалкашлаштириш ва муҳокама қилишга ҳалақит беришни ўз вазифаси деб ҳисоблаётган бўлса керак.

Австралия делегациясининг раҳбари Бизли Мон—Сени кўлидан гидроэлектростанцияларга керакли сув қувватидан фойдаланишда ва Гран Скала гидроэлектростанциясида чиқариладиган электр қуввати масаласида Франциянинг Италияга берадиган гарантиялари тўғрисидаги 9-нчи моддага қўшилган иловани шошиб-пишиб варақлаб чиққандан кейин дарҳол сўз берилишини талаб қилди.

У, бу илованинг бир-бирига ҳечқандай алоқаси бўлмаган икки моддасини бириктириб ўқиб чиқди. Бу моддаларнинг бирида айтилишича, Франция тўғонни ва ер остидаги қувурларни ремонт қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳаражатларини Италиянинг зиммасига юклайди, Мон-Сени кўлининг суви шу қувурлар орқали Италия территориясидаги гидроэлектростанцияларга оқизилади. Иккинчи моддада айтилишича Франция ўз территориясида бўлган Гран Скала гидроэлектростанцияси ишлабчиқарган электр қуввати учун тегишли ҳақни Италиядан ундириб олади.

Бизли ҳар икки моддани бир-бирига аралаштириб юбориб, баланд овоз блан айтдики, Министрлар кенгашининг лойиҳаси Францияга айни бир нарса учун икки марта пул олиш имконини беради, чунки электр қуввати учун тўланадиган ҳақ электр станцияларни ишлатиш ҳаражатларини ҳам ўз ичига олиши лозим.

Франция вакили Австралия дипломатига тушинтириб айтдики, биринчи моддада гап Италия гидроэлектростанцияларига бериладиган сув ҳақи тўғрисида боради, иккинчи моддада эса, Франция гидроэлектростанциясида чиқариладиган электр қувватининг ҳақи тўғрисида боради.

Совет делегациясининг вакили Вишинский Австралия вакили ўз мулоҳазаларини ва тузатишларини тақдим этган лойиҳаларнинг текстини даставвал яхши тушиниб билиб олмаган бўлса керак, деб комиссия аъзоларининг эътиборини шунга жалб этди.

Вишинский бундай деди:

— Бу мисол шуни жуда равшан кўрсатадики, бирор делегация савол беришдан аввал текст блан яхши танишиб чиқса ишимиз муваффақиятлироқ борган бўлур эди. Эътиборсизлик шу даражагача бориб етдики, сувни электр қуввати блан аралаштириб юборганларини, масаланинг моҳияти нимадан иборат эканлигини тушинмай, саволлар бериб ишимизга ҳалақит етказаётганликларини кўриб турипсиз. Фикримча мажлис раиси буни тушинтириб бериши керак эди. Агар у тушинтириб беришни ўзига эп билмаса, у ҳолда мен юқорида айтилган гаплар блан чекланишга тайёрман. — Дабдабали саволлар бермасдан, ўз ихтиёрингизда бўлган материалларга жиддий эътибор блан қараш керак.

РУМОНИЯ, БУЛҒОРИЯ, ВЕНГРИЯ ВА ФИНЛЯНДИЯГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 2 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Румония, Булғория, Венгрия ва Финляндияга доир иқтисодий масалаларни кўручи комиссия бугун Румония блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг Бирлашган миллатларга қарашли молларни қайтариб бериш тўғрисидаги 23-нчи моддасини муҳокама қилди. Бу модданинг Румония Бирлашган миллатларга қандай мол-мулкларни қайтариб беришни лозимлигини аниқловчи иккинчи параграфи юзасидан Польша делегацияси тузатиш киргизди. Польша делегацияси ана шу низом таклиф қилиниши лозим бўлган мол-мулкларнинг янги хиллари кўрсатишни таклиф этади. Бунда гап, 1939 йил сентябрь ойида поляк қўшинлари ва хусусий кишилар томонидан Румонияга олиб кетилган ва Румониянинг илгариги маъмурлари томонидан мусодара қилинган мулклар тўғрисида боради. Польша вакили ўша вақтда Польшадан Румонияга кўп миқдорда паровоз, юк машиналари, ҳар хил ҳарбий материаллар, кўп миқдорда олтин ва шу сингарилар олиб кетилганлигини айтди.

Чехословакия, Югославия ва Совет Иттифоқи вакиллари Польша вакилининг таклифини қувватладилар ва бу таклиф тамомила асосли ҳамда адолатли таклиф дедилар. Совет Иттифоқи вакили Гусев Польша делегациясининг таклифини қабул қилиш кераклигини айтиб, бундай тузатишни шартноманинг 24-нчи моддасига киргизиш тўғри бўлур эди, деди. Бу моддада Бирлашган миллатларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини тиклаш ҳамда уларга тегишли мол-мулкларни қайтариб бериш тўғрисида гапирилади. Франция, Америка Қўшма Штатлари, Англия вакиллари, шунингдек Польша вакили бу фикрга қўшилдилар.

Шундан кейин, комиссия 23-нчи моддадаги саккиз параграфнинг ҳаммасини якдиллик блан маъқуллади.

Австралия вакили Румонияга қарашли бўлиб бошқа мамлакатлар территориясида қолган «адабий-бадиий ва диний мулкларни» Румонияга қайтариб бериш тўғрисидаги масала юзасидан тузатиш киргизди. Бу тузатиш муҳокама қилинган вақтда, Австралия вакили бу тузатишни вақтинча, яъни кейинги моддалар муҳокама қилинган пайтгача қайтиб олишини билдирди.

Шундай қилиб, комиссия Румония блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг 23-нчи моддасини бир оғиздан маъқуллади.

ИТАЛИЯНИНГ ҲАРБИЙ КЕМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

ПАРИЖ, 2 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Ҳарбий комиссия бугун Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг моддаларини муҳокама қилишни давом эттирди. Бу шартноманинг 48-нчи моддаси Италиянинг ортиқча ҳарбий кемаларини Совет Иттифоқи, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция ҳукуматлари ихтиёрига топширишни кўзда тутади.

Австралия делегацияси бу моддага ҳам ўз тузатишини таклиф этди. Австралия делегацияси Италиянинг ортиқча ҳарбий кемалари тўғрисидаги масалани Бирлашган миллатлар ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг муҳокамасига қўйишни таклиф этди. Агар Хавфсизлик Кенгаши уч ой ичида ҳеч қандай қарор қабул қилмаса, бу кемалар йўқ қилиниши лозим деди.

Австралия делегацияси адолатсиз ва нотўғри таклифини адолат тўғрисидаги чалкаш муҳокамалар блан асослашга муваффақиятсиз уриниб кўрди. СССР, Украина, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Польша ва Чехословакия вакиллари Австралия делегациясининг тузатишларига қарши гапирдилар ва Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг 48-нчи моддаси Ташқи ишлар министрлари кенгаши таклиф этган таҳрирда қабул қилинсин, деб тавсия этдилар. Овозга қўйиш натижасида Австралия делегациясининг тузатиши уч овозга қарши 15 овоз блан рад этилди.

РЕПАРАЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИНИ ҚИЙИНЛАШТИРИШ ВА БУНГА ҲАЛАҚИТ БЕРИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР МАРТА ҚИЛИНГАН УРИНИШ БАРБОД БЎЛДИ

ПАРИЖ, 2 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Британиянинг тўрт доминиони, яъни Австралия, Канада, Жанубий Африка Иттифоқи ва Янги Зеландия делегацияларининг Италия ва Румониядан Совет Иттифоқи олиши лозим бўлган репарацияларни тўлатдирмаслик йўлида зўр бериб қилган ҳаракатлари тамомила барбод бўлганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Сулҳ конференциясининг комиссияларида сулҳ шартномалари лойиҳаларининг моддалари маъқулланган эди, бу моддалар СССР фойдасига олинадиган репарациялар миқдорини белгилаб, шу репарациялар ҳақи қандай манбаълардан олиниши кўрсатилган эди.

Аммо, бир масалада зарба еган Австралия делегацияси шу ондаёқ ўч олишга ҳаракат қилди. Австралия делегацияси Италиядан олинадиган репарациялар масаласида комиссия тузишни яна таклиф қилди. Аммо бу сафар мазкур таклиф жуда ҳам чалкаш баён қилинди. Австралия делегациясининг таклиф этган тартибига мувофиқ репарация комиссияси Италия ҳукуматининг ўрнини босиши ва унинг номидан иш кўриши керак эди. Ташқи ишлар министрлари кенгаши Совет Иттифоқига етказиб бериладиган молларнинг миқдори ва хилларини Италия ҳукумати блан СССР Ҳукумати ўзаро тузилган битимларга мувофиқ белгилаши керак, деб таклиф қилади. Аммо, Австралия делегацияси таклиф қилган тузатишда СССРга етказиб берилиши лозим бўлган молларнинг миқдори ва хиллари СССР ҳукумати блан репарация комиссияси томонидан белгиланиши керак дейилади.

Совет Иттифоқининг делегацияси ва бошқа бирқанча делегациялар ана шу тутруқсиз таклифга кескин суратда қарши чиқдилар. Аммо Австралия делегацияси бу таклиф муҳокама қилинсин деб қаттиқ талаб этди ва Италияга доир иқтисодий масалаларни кўручи комиссия бугун бутун бир мажлисни янги мунозара блан ўтказишга мажбур бўлди.

Даставвал Совет Иттифоқи делегациясининг вакили Вишинский сўз олди. Вишинский ўзининг ёрқин нутқида Австралия делегациясининг янги таклифи нақадар тутруқсиз ва бебурд эканлигини очиқ кўрсатди.

А. Я. ВИШИНСКИЙ СЎЗИ

Мен, Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасидаги 64-нчи модданинг учинчи пунктига Австралия делегацияси киргизган тузатиш тўғрисида бирнеча сўз айтиб ўтишим керак. Бу пунктда айтилишича, репарациялар тартибидаги етказиб берилиши лозим бўлган молларнинг миқдори ва турлари СССР ҳукумати блан Италия ҳукумати ўртасида тузиладиган битимда белгиланиши керак, ва бу моллар Италиянинг иқтисодий тузилишига ҳалақит бермаслик ва Иттифоқчи ҳамда Бирлашган давлатлар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкламаслик шарти блан белгиланади ва уларни етказиб бериш вақтлари кўрсатилади. Австралия вакили жуда қисқа баён қилган тузатиш битим совет ҳукумати блан Италия ҳукумати ўртасида тузилиши лозим деган сўзлар ўрнига битим совет ҳукумати блан репарация комиссияси ўртасида тузилади, деган сўзларни ишлатишни таклиф этади.

Мен бу нутқдан таажжубланганлигимни яширолмайман. Мен тузатиш текстини бирнеча марта қараб чиқдим ва Австралия вакилининг бу ерда айтган гапларини эсимга тушириб, бу масалада англашилмовчилик йўқми экан, деб ўйладим. Мен ҳали ҳам шундай фикрдаман ва Австралия вакили сўзга чиқиб, бу нарса англашилмовчилик эканлигини, бу тузатиш моҳияти эътибори блан бебурд эканлигини ва репарация масалаларида вужудга келган ҳамда енгилган мамлакатлар блан ғолиб мамлакатлар ўртасида белгиланиши лозим бўлган муносабатларнинг бутун истиқболини бузиб тасвирлашини айтиб берур деб кутаман.

Дарҳақиқат шу вақтгача тарихда бўлиб келгани каби, репарацияларни ундириб олиш масаласи мумкин бўлган бирдан-бир негизга асосланар эди, яъни ғолиб мамлакат ўз талабларини қўяр, енгилган мамлакатлар эса, бу талабларни бажарар эди; ғолиб мамлакат ўз даъволарини қўйиб, енгилган мамлакатлар зиммасига маълум мажбуриятларни юклар эди, енгилган мамлакат эса, бу даъволарни бажарар ва мажбуриятларни бажариш юзасидан жавобгар бўлур эди. Ғолиб мамлакат блан енгилган мамлакат ўртасида бу масалада бошқача муносабатлар бўлиши мумкин эмас. Ғолиб давлат блан енгилган давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга асос бўлган шу факт ҳар икки мамлакат ўртасида тузиладиган битим блан ҳал этилади. Икки томон, яъни даъвогар ва жавобгар, ғолиб ва енгилган томон бор, бир томоннинг бошқа томон олдида ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари тўғрисида улар ўртасида битим тузилиши керак. Бир даъвогарми ёки бирнеча даъвогар борми, — бу тамомила бошқа масала, бу масала ҳуқуқшунос учун муаммо эмас, бу ҳуқуқни ўрганишга эндигина киришаётган биринчи курс студенти учун муаммодир.

Мисол учун, Версаль шартномасини олиб кўрайлик. Совет Иттифоқи Версаль шартномасини тайёрлаш ва имзолашда қатнашмади, Совет Иттифоқи бу шартнома учун жавобгар эмас, аммо, ҳозир мен бу шартномадаги материалларга мурожаат қиламан. Версаль шартномаси репарация комиссияси тузишни кўзда тутган эди. Версаль шартномасининг бирнеча моддаси (231-нчи, 232-нчи моддалари ва бошқа моддалар) бу масалага бағишланганлиги эсингизда бўлса керак. Ҳозирги аҳволга баҳо бериш ва келгуси учун далиллар олиш мақсадида тарихдан, яъни ўтмишдан баъзи маълумотлар олиш учун бу ҳужжатларга мурожаат қилайлик. Биринчи жаҳон урушидан кейин репарация комиссияси ғолиб мамлакатларнинг вакилларидан иборат тузилганлигини биласиз. Енгилган мамлакат бўлмиш Германия ғолиб мамлакатларнинг вакили бўлган ана шу комиссия олдида репарация мажбуриятларини бажариш учун жавобгар эди.

Версаль шартномасига қўшимча қилинган тўртинчи иловада Германиянинг ўз устига оладиган конкрет мажбуриятлари санаб кўрсатилади. Сиз 6-нчи параграфда Германиянинг ғолиб мамлакатларга аванс тариқасида етказиб бериши лозим бўлган молларнинг рўйхатини кўра оласиз. Бу параграфда айтилишича, Германия жумладан шартнома кучга кирганидан кейин уч ой мобайнида маълум миқдорда чорва моллар етказиб бериш мажбуриятини ўз устига олади, чунончи Германия Франция ҳукуматига 5 минг айғир, 300 минг арден, булон, бельгия наслли сигир, 2 минг буқа, 90 минг соғим сигир, юз минг қўй ва шу сингариларни етказиб бериш мажбуриятини ўз устига олади. Бельгия ҳукуматига бундан камроқ миқдорда от, сигир, қўй ва эчкилар берилиши лозим эди. Аммо, репарациялар ҳисобидан топширилиши лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммаси жуда аниқ кўрсатилган эди. Шартномага қўшимча қилинган 5-нчи иловада миллион тонналаб тошкўмир етказиб бериш ҳақида гапирилган эди: 6-нчи иловада бўёқлар тўғрисида гапирилган эди. Репарация комиссияси енгилган мамлакат бўлмиш Германиянинг ғолиб мамлакатлар олдида шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган конкрет мажбуриятларни қандай бажараётганлигини текшириб туриши керак эди, холос.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда шундай бўлган эди. Репарация комиссиясининг Германиянинг ўз зиммасига олган репарация мажбуриятларини бажаришини текшириб туриш вазифасидан бошқа ҳечқандай вазифаси бўлмаганлиги тўғрисида гапириб ўлтиришнинг ҳожати борми. Ғолиб мамлакатлар репарация комиссияси блан албатта, ҳечқандай битим тузмаган эдилар ва туза олмас ҳам эдилар, чунки бундай битимлар тузиш бемаънилик бўлур эди. Ҳолбуки, Австралия делегацияси конференцияга шундай бемаъни таклифни тақдим этишга журъат этди.

Ҳозирги вақтда аҳвол қандай? Биз катта тажрибага эгамиз. Мисол учун, Совет Иттифоқи блан Румония, Венгрия ва Финляндия ўртасидаги репарация муносабатларини олиб кўрайлик. Етказиб бериладиган молларнинг хили ва миқдори тўғрисида, бу молларнинг нархи ва уларни етказиб бериш муддатлари ҳам тартиби тўғрисида Совет Иттифоқи Румония, Венгрия, Финляндия блан ўзаро келишиб ва бир қарорга келиб, етказиб бериладиган моллар ҳақида битим тузди. Бу битимларга мувофиқ Румония, Венгрия ва Финляндия ўз зиммаларига маълум мажбуриятлар олдилар: улар бу мажбуриятларни бажаришлари керак ва айтишим лозимки, улар бу мажбуриятларни ҳалол бажармоқдалар. Ғолиб чиққан Совет Иттифоқи блан енгилган Румония, Венгрия, Финляндия мамлакатлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар шу асосда қурилади.

Мен бу тўғрида батафсил гапираётганлигим учун кечиришларини сўрайман, аммо, мен бу тўғрида гапиришим керак, чунки Австралия делегациясининг таклифи ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборади. Австралия делегацияси репарация соҳасида бўлган тажрибадан фойдаланиш ўрнига, яхши текшириб билинган шу йўлдан бориш ўрнига, тамомила янглиш план ва таклифларни, зарарли план ва таклифларни ўйлаб чиқармоқда. Бизга шартнома лойиҳасига шундай тузатиш киритишни таклиф қиладиларки, бу тузатишга мувофиқ, битимлар Совет Иттифоқи блан Италия ўртасида эмас, балки Совет Иттифоқи блан репарация комиссияси ўртасида тузилиши лозим. Бошқа сўз блан айтганда, репарациялар юзасидан тегишли молларни етказиб бериш учун Италия эмас, Италия ҳукумати эмас, балки репарация комиссияси жавобгар бўлиши керак экан, ҳолбуки, бунинг учун Италия, Италия ҳукумати жавобгар бўлиши керак. Совет Ҳукумати Италия олдига эмас, балки репарация комиссияси олдига ўз даъволарини қўйиши керак экан, Совет Иттифоқи тўловларни Италиядан, Италия ҳукуматидан эмас, балки репарация комиссиясидан ундириб олиши керак экан. Шундай қилиш мумкинми? Мен шундай қилиш мумкинми, деб яна бир марта сўрайман?

Репарация комиссияси Италия ҳукуматининг ўринбосари бўлиши мумкин эмас. Италия ҳукумати жавобгарликни репарация комиссиясининг зиммасига юклаб, ўз жавобгарлигидан воз кечолмайди. Бошарти, репарация комиссияси тузиладиган бўлса, бу алоҳида бир масала, мен бу тўғрида совет делегациясининг фикрини айтиб беришга ҳаракат қиламан. Лекин шундай бўлса ҳам, репарация комиссиясининг вазифаларига Австралия делегацияси унинг зиммасига юклашга уринаётган ишлар киролмайди. Репарацияларни берилишини талаб қилаётган ва репарацияларни ундириб оладиган ғолиблар олдида репарация комиссияси эмас, балки Италия жавобгардир!

Австралия делегацияси таклиф этаётган формулада Италия ҳукумати учун ўрин қолмайди: Италия ҳукумати эътибордан четда қолади. Бу тузатишларни тақдим этган кишилар Совет Иттифоқи блан репарация комиссиясини бир қаторга қўйдилар. Бу тузатиш нақадар бемаъни ва бебурд эканлигини кўрсатиш учун репарация комиссиясининг кимлардан тузилиши ҳақидаги таклифни эътиборга олиш лозим. Австралия делегациясининг таклифига биноан репарация комиссия тўрт улуғ давлат вакилларидан ва манфаатдор бўлган бошқа учта мамлакат вакилларидан тузилиши керак. Хўш, бундан нима келиб чиқади? Бундан шу нарса келиб чиқадики, репарация ҳақларини ундириб олучи давлатлар молларни етказиб бериш тўғрисида репарация комиссияси блан, яъни ўз вакиллари блан битим тузишлари керак! Совет Иттифоқи тўғрисида гапирар эканмиз, Австралия делегациясининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқи репарация юзасидан моллар етказиб бериш ҳақида СССР вакили аъзо бўлган комиссия блан битим тузиши керак! Хўш, Италия ҳукумати қаерда қолди? Италиянинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари қани? Италиянинг жавобгарлиги қани? Австралия делегациясининг таклифи тамомила маъносиз ва зарарли таклиф эканлигини аниқ билмоқ учун, шу саволларни бериш кифоя. Австралия делегациясининг таклифи бу саволларга жавоб бермайди.

Вишинский айтдики, мен Австралия делегациясининг бу таклифи рад этилсин ва Ташқи ишлар министрлари кенгаши тузган лойиҳадаги таклиф қабул қилинсин, деб таклиф этаман.

Шундан кейин, сўзга чиққан Белоруссия вакили Фесько Австралия делегациясининг ҳатти-ҳаракатига асло йўл қўйиш мумкин эмаслигини айтди. Австралия делегацияси барча комиссияларда беҳад кўп тузатиш киргизиб, доим уларнинг муътадил ишлашига ҳалақит бермоқда. Фесько бундай деди: «Биз, Австралия делегациясининг тузатишларини муҳокама қилиш учун бутун вақтимизнинг ярмини сарф қилмоқдамиз. Бу тузатишлар рад этилган чоқда, Австралия вакиллари ўзларининг тамомила бемаъни тузатишларини қабул қилдириш учун ҳаракат қиладилар». Белоруссия вакили Австралия делегациясининг бу янги тузатиши Австралия вакилининг рад этилган таклифларининг бир хилидир, деб таъкидлади. Австралия делегациясининг таклифлари амалга оширилганида, репарация комиссияси Италиянинг ички ишларига қўпол равишда аралашган бўлур эди, шу сабабдан бу таклиф рад этилиши лозим.

Масъул муҳаррир
С. РАЖАБОВ.

Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. № 70. Тиражи 64,5 минг. Р 04836.